



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!



www.mv-vatanparvar.uz



vatanparvar09@mail.ru



Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини сканер қилинг.




30 ИЮНЬ



- 11** ЯНГИ ДОВОН ОСТОНАСИДА
- 12** «ЧАНФИЧИ АЖАЛ ОТРЯДЛАРИ»...
- 17** ОТА КАСБИ (воқеий ҳикоя)

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ



7-8-9

ЁШЛАР КУНИ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy



www.youtube.com/c/UzArmiya

2021 йил 2 июль, №26 (2933)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда.

Бу жараёнда ўз тақдири ва келажигини Ватанимиз тақдири ва истиқболи билан узвий боғлиқ ҳолда кўрадиган, шу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, жасорат ва матонат кўрсатишга тайёр бўлган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар давлат мукофотлари билан тақдирлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори

«Дўстлик» ордени билан

Абдураимов Беҳзод Абдуразакович – Америка Қўшма Штатлари Миссури штатидаги Парк университети мусиқа маркази резиденти

Данияров Абатбай Сапарбаевич – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи

Забродина-Саттарова Инара Наилевна – Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

Каттаханова Дилнозахон Собир қизи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари

Норматов Хуршид Абдурашидович – Фарғона шаҳридаги «Uz-Segang» қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

Юдаков Александр Андреевич – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази катта илмий ходими

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдатов Шаҳноза Буриевна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ховос тумани 16-умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

Абдиназаров Абдурахмон Зокиржон ўғли – Қизирик тумани маданият бўлими мутахассиси, баҳши, Сурхондарё вилояти

Абдуразоқов Оллоёр Алижон ўғли – Учкўприк туманидаги «Меҳригиё» хусусий корхонасининг экспорт-импорт масалалари бўйича директори, Фарғона вилояти

Абдурахмонов Нуриддин Улуғбекович – Хўжаобод туманидаги «Олий стандарт тех» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Асадуллаева Висола Беҳзод қизи – Андижон шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

Атакулова Наргиза Абдиганиевна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик

жамиятининг рух заводи лаборанти, Тошкент вилояти

Ахмеджанов Музаффар Бахтиёр ўғли – Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Жовлиев Жавлонбек Ортиқович – Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг таянч докторанти

Жолдасова Шаҳноза Батировна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

Исламов Самандар Баходир ўғли – Жиззах шаҳридаги «Самандар ширинликлари» оилавий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Ким Денис Витальевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Мамадиев Фарходбек Қобил ўғли – Андижон туманидаги «Clasika Shoes International» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Мухторов Мардонхўжа Мухаммадjon ўғли – Бувайда туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Мухаммадюнусова Моҳистара Мухаммадилхон қизи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

Ортиқов Умиджон Тўхтасин ўғли – Тошкент давлат шарқшунослик университети академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси

Полвонов Аббосхон Саидаборхон ўғли – Поп туманидаги «Chodak nihol tex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Пўлатов Жаҳонгир Холбой ўғли – Тошкент шаҳридаги «Cambridge» ўқув маркази бош директори

Рухиддинов Хайрулла Хайридин ўғли – Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Сайдуллаева Шодиёна Сайфулла қизи – Навоий шаҳридаги «Minor Millenium» масъулияти чекланган жамиятининг минорали кран машинисти, Навоий вилояти

Торемуратов Нзаматдин Бегдиярович – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Бўзатов тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ўроқова Маҳлиё Тоштемировна – Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, Самарқанд вилояти

Фарманов Бобур Бахромович – «Ziyo Fogim» илм, фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш фонди директори

Хакимов Сардор Анваржон ўғли – Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ баракали» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Хожиев Дилшодбек Максудбек ўғли – Тупроққалъа туманидаги «New Best Style» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Хоразм вилояти

Холбоева Шоҳсанам Анваржон қизи – Тошкент давлат педагогика университетининг 1-босқич магистранти

Худаёров Уйғун Холмурод ўғли – Яқкабоғ туманидаги «Қорабайир» отчилик мажмуаси чавандози, Қашқадарё вилояти

Чуянова Елена Алижан қизи – Халқаро Пресс-клуб бўлими бошлиғи

Шакиров Саид Равшан Собирович – Бухоро шаҳридаги «Monday Labs» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Шерматова Ирода Бахтиёр қизи – Тошкент фармацевтика институтининг таянч докторанти

«Шўхрат» медали билан

Абдуллаев Гуломжон Озодович – Эркин

кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Абдимуродов Акмал Абдивохид ўғли – Сергели туманидаги «Машхур Тоҳир Зухро» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати электриги, Тошкент шаҳри

Абдуназаров Собир Ибрагимович – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот-таҳлил ва ижро назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Абдуразақов Бунёдбек Бегижон ўғли – Асака туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

Абжалилова Сабохатхон Соибжон қизи – Жалақудуқ туманидаги «Ҳарир тола» масъулияти чекланган жамиятининг ипак қурти боқувчиси, Андижон вилояти

Адхамжонов Темурбек Бахтиёр ўғли – «Нажот таълим маркази» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Артиқходжаева Барнохон Алишер қизи – Ўзбекистон Миллий университетининг таянч докторанти

Ахмедова Иродахон Шохитбековна – Республика Маънавият ва маърифат марказининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

Ахмедова Нилуфар Илҳомбой қизи – Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлинмаси инклюзив таълим тўғараги раҳбари

Балтабаева Наргиза Бахадировна – Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти, Қорақалпоғистон Республикаси

Бердимуратов Жалгасбай Карлибай ули – Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Буранов Отабек Ибрагимович – Ангор туманидаги «Ангор Сурхон ғурури» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

Дайибекова Зайнаб Казбековна – Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Жафаров Саиджамшид Рустам ўғли – Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси, Бухоро вилояти

Жовлиева Севинч Фахриддин қизи – Яшнот туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик бўлими ўқувчиси, Тошкент шаҳри

Жумаев Рамозон Хасанович – Шўрчи туманидаги «Ҳасан ота асаллари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Жумаев Эргаш Рузимуродович – Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Туркия Республикасидаги вакили

Изатуллаев Шохрух Алишер ўғли – Бекобод туманидаги «Yuksalish Premier Group» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

Исломов Мажидхон Шамсиддинович – Ургут туманидаги «Ургут саноат сервис» оилавий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

Қурбонов Бобур Самадулло ўғли – Қарши шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг чақирувгача ёшларни тайёрлаш раҳбари, Қашқадарё вилояти

Қўчқоров Фазлиддин Эргаш ўғли – Шайхонтоҳур туманидаги «Premium Village» масъулияти чекланган жамияти архитектори, Тошкент шаҳри

Мамталиева Фотимахон Одилжон қизи – Олтинкўл туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Матниязова Гулноза Жумабой қизи – Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси



Мустаева Елена Юрьевна – Наманган шаҳридаги Президент мактаби директори ўринбосари, Наманган вилояти

Мусурмонов Алишер Қаҳромович – Жиззах шаҳридаги «Alitech Website Solutions» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Реимбаева Саиёра Жолдасбаевна – Қўнғирот туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рустамов Руслан Улуғбекович – Қарши туманидаги «Ruslan Media» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Садуллаева Сафина Эркиновна – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Содиқов Сардор Содиқович – Қарши шаҳридаги «Global Education in Karshi» нодавлат таълим муассасаси директори, Қашқадарё вилояти

Сулаймонов Соҳиб Самадович – Қоровулбозор туманидаги «Vuxoro Real Moto» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

Султонов Абдулазиз Абдурахим ўғли – «Заковат» интеллектуал клуби нодавлат нотижорат ташкилоти мутахассиси

Сухинин Никита Викторович – Юнусобод тумани электр таъминоти корхонаси электр монтажери, Тошкент шаҳри

Ташов Мизроб Махмудович – Самарқанд

шаҳридаги «Меъмор Ўткир Човка» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Турдибекова Ситора Шавкат қизи – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўхсанов Шахрилло Ғайбулло ўғли – Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери, Бухоро вилояти

Убайдуллаев Абдувоҳид Мухиддин ўғли – Бағдод туманидаги «Бағдод замин асали» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Убайдуллаев Нуриддин Тохир ўғли – Тошкент давлат педагогика университетининг таянч докторанти

Ўктамова Нигина Жасур қизи – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Умаров Мавсимжон Мамуржонович – Олтиариқ туманидаги «Мавсум агрологистика» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

Усенов Саламат Батирханович – Конимех туманидаги «Конимех-Саржал-Қосай» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

Хайдаралиев Миржалол Махмуджон ўғли – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси

Хакимова Шахнозахон Кахрамон қизи – Олтинкўл туманидаги хунарманд-дўппидўз, Андижон вилояти

Хатиев Комилжан Жавлиевич – Мирзачўл туманидаги деҳқон хўжалиги ишчиси, Жиззах вилояти

Холбаева Наргиза Ибадуллаевна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси

Худайшукуров Дилмурод Холмуродович – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Цой Владимир Эдуардович – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази кичик илмий ходими

Шарифова Муштарий Ихтиёр қизи – «Tesla» компаниясининг ахборот технологияларини режалаштириш бўйича таҳлилчиси

Шодиев Аббос Неъмат ўғли – Навоий давлат кончилик институтининг металлургия кафедраси доценти, Навоий вилояти

Юлдашев Ойбек Баходир ўғли – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 июнь
(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

«Мард ўғлон» давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 28 та мукофот ўрнига 2021 йил учун истисно тариқасида 29 та мукофот берилиши белгилансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 28 июндаги ПҚ-5164-сон
қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Мадраимов Рустамжон Маткаримович – Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Нурниязов Арман Арзубай ули – Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Бекташев Ислонжон Бахтиёр ўғли – Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Олимов Хайрулло Холмирзаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Андижон вилояти)

Жумаев Жаҳонгир Уктам ўғли – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг гуруҳ катта мутахассиси (Бухоро вилояти)

Рахматов Анварбек Зуфаржонович – Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабининг 9-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Сафаров Қодири Қоплонбек Абдужалил ўғли – Жиззах политехника институтининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Турдиқулов Ҳамидулла Алишер ўғли – Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 2-босқич ўқувчиси (Жиззах вилояти)

Абдурашидов Бобур Камолович – Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсанти (Қашқадарё вилояти)

Кароматов Давурхон Фозил ўғли – Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Петров Логин Александрович – Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

Шаропов Шохрух Шавкатович – Кармана туманидаги «Karmana Al-Aziz Avitsenna» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси (Навоий вилояти)

Асилбеков Ислон Эгамберди ўғли – Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Умурзаков Бекзод Немат ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Учқўрғон тумани кўриқлаш бўлими сафдор-ходими (Наманган вилояти)

Абдуллаев Абдурахмон Ферузевич – Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Орипов Шахзод Илхом ўғли – Самарқанд вилояти Ургут тумани фавқулодда вазиятлар бўлимининг ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

Фахриев Жаҳонгир Алишерович – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

Каримов Дилшод Машраб ўғли – Оқолтин туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (Сирдарё вилояти)

Мавлонов Ёрбек Абдуваит ўғли – Сирдарё вилояти «New Level Shoes» оилавий корхонаси раҳбари

Аюбжонов Асадбек Ўлмасович – В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 8-синф ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

Муродуллоев Маъруфжон Файзулло ўғли – Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

Авазов Сардоржон Эркин ўғли – Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори (Тошкент вилояти)

Умаралиев Фазлиддин Фахритдин ўғли – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Каримов Давлатжон Шермахомот ўғли – Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси (Фарғона вилояти)

Ҳайдаров Темурбек Тохиржон ўғли – Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

Жуманиязов Аминзода Ғайратович – Ўзбекистон давлат академик катта театри етакчи опера солисти (Хоразм вилояти)

Кўпалбаев Азамат Ғайрат ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ходими (Хоразм вилояти)

Абдуқаюмов Фирдавс Зоҳидович – Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Анваров Фазлиддин Убайдулла ўғли – Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АЛБАТТА БУНЁД ЭТАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!

Сизларни ва бутун Ўзбекистон ёшларини бугунги қутлуғ байрам – Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу айём Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётгани унга янада чуқур мазмун ва кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Шу кунларда энг улуг ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги-янги sanoat корхоналари, замонавий уй-жойлар, коммуникация ва инфратузилма тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилмоқда. Албатта, бутун халқимиз қатори сизлар ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этмоқдасиз.

Юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизларимиз иштирокида **«Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!»** шиори остида ўтказилган фестиваллар барча ёшларимиз учун етуклик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлди. Ушбу фестиваллар бундан буён нафақат вилоят марказларида, балки ҳар бир туман ва шаҳарда ўтказиб борилади ва уларда кўтарилган масалалар ечими бўйича ҳар йили Ҳукумат алоҳида дастурлар қабул қилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракати сафларида сиз, азиз ёшларимизнинг қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётганингиз юксак таҳсинга сазовордир.

Албатта, ёшликка хос шижоат, жўшқинлик ва мардликни, эзгу орзу-интилишларни амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш учун инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрамыз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуг алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан сизларнинг ёшингизда яратганларини ҳаммамиз яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Бизнинг томирларимизда ана шундай улуг боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир.

Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз.

Бу борада юртимизда мутлақо янги шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган кўплаб ўқувчилар нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Мисол учун, Андижондан Дурдона Мухторхўжаева, Бухородан Фирдавс Собиров, Дониёр Исмоилов, Сирдарёдан Илғор Қодирқулов, Набиҳон Набиҳонов, Тошкент шаҳридан Нодира Саъдуллаева, Искандар Бўриев, Дилшод Хўжақулов, Раил Хашаев физика, математика ва кимё бўйича халқаро олимпиадаларнинг олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар. Бундай зукко ва билимдон фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг ана шундай ютуқларга эришишига катта ҳисса қўшган жонкуяр ота-оналарига, заҳматқаш устоз ва мураббийларига ҳам ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Эндиги муҳим вазирамиз – мана шундай фарзандларимиз орасидан янги авлод Берунийларини, Ибн Сино ва Улуғбекларини, Хоразмий ва Фарғонийларини тарбиялаб, вояга етказишдан иборат. Бу йўналишда **«Беруний издошлари»**, **«Мирзо Улуғбек ворислари»**, **«Алишер Навоий давомчилари»** каби кўрик-танловлар ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Сўнги йилларда ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Хабарингиз бор, яқинда таниқли сиёсатчи, Парламентлараро иттифоқнинг Бош котиби Мартин Чунгонг бошлиқ расмий делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Сўхбат чоғида у киши бир фикрни афсус билан таъкидлади. Яъни сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга ҳам етмас экан. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистонда бу кўрсаткич 6 фоиздан ошганини юқори баҳолади. Бу – катта эътироф, албатта.

Биз бу ғоят муҳим йўналишдаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, Парламентлараро иттифоқ кўмагида **«Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!»** деган эзгу ташаббусни амалга оширамыз. Ушбу тизим асосида сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз.

Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, ғайратли, фидойи ўғил-қизларимиз бундан буён Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби, ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади. Шунингдек, иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – **«Келажак лидерлари»**ни шакллантирамыз.

Бугун шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бундай ёшларимизнинг кўпчилиги жонбозлик кўрсатиб хизмат қилмоқда. Масалан, Шерзод Раҳмонов – Нарпай туманида, Сарварбек Султонов – Ширин шаҳрида ва Элбек Шукуров – Сергели туманида ҳоким вазифасида, Дурдона Раҳимова – Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Одилжон Тожиев – Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб иқтидорли ўғил-қизларимиз хориждаги нуфузли олийгоҳларда ўқимоқда, илм-фан билан шуғулланмоқда, йирик ва етакчи компанияларда иш олиб бормоқда. Биз ана шундай юксак билим ва малакага эга бўлган ёшларимизнинг Ватанимизга келиб ишлаши учун барча шароитларни яратиб берамыз. Уларни раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида белгилаш, уй-жой ажратиш, муносиб маош тўлаш бўйича янги тизим жорий этамиз.

Умуман, ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни қатъий давом эттирамыз. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарлигига камида 2 нафардан ёш номзодлар захирасини тасдиқлайди. Жорий йилдан бошлаб, бундай иқтидорли ёшларимиз «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтайди. Шунингдек, республикамизда ишлаётган, халқаро нуфузли рейтингларда мингталикка кирган олийгоҳни тугатган ва чет элда илмий иш қилган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўланади.

Ҳар бир вилоят ҳокими ва вазир йил бошида ўз ҳудуди ва тизимига ана шундай ёш мутахассисларни ишга олиб келиш режасини тасдиқлайди ҳамда уларга бериладиган иш ҳақи, уй-жой ва рағбатлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади.

Мухтарам анжуман қатнашчилари!

Ўтган йили декабрь ойида мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган Ёшлар форуми миллионлаб ўғил-қизларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирди. Барча шаҳар ва туманларда ташкил этилган бундай анжуманларда ёшларимиз томонидан илғари сурилган ташаббус ва тақдирларнинг аксарияти **«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»** Давлат дастуридан жой олди.

Азиз ёшлар, шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни истардим. Биз Ўзбекистонда ҳар бир йилга қандай ном беришимиздан қатъи назар, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолади. Бундан буён ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва маҳаллий кенгашлар томонидан берилган тақдирлар асосида, бу йўналишда алоҳида дастурлар қабул қилинади ва уларнинг ижроси йил давомида мунтазам назорат этиб борилади.

Бугун ҳаётимизнинг қайси соҳа ва тармоғини олмайлик, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилиб, уларга зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Сўнги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошгани, бунинг яққол далилидир.

Хорижий инвестициялар иштирокида замонавий корхоналар барпо этиб, кўплаб янги иш ўринлари яратётган, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган тадбиркор ёшларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Мисол учун, Самарқанд туманида – Музроб Тошев, Риштонда – Хуршид Норматов, Ургутда – Мажидхон Исломов, Хўжаободда – Нуриддин Абдурахмонов, Ҳазораспада – Дилшодбек Ҳожиев сингари изланувчан ёшларимиз ҳавас қилса арзийдиган натижаларга эришмоқда.

Бугунги байрам муносабати билан мана шундай салоҳиятли ёшларимизнинг бир гуруҳи юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани албатта барчамизни мамнун этади.

Албатта, бундай ўғил-қизларимиз – замонамизнинг ёш қаҳрамонларидир. Уларнинг дастлабки, аммо умидбахш ютуқлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар, мақола ва суҳбатлар ташкил этиб, амалга ошираётган ибратли ишларни кенг жамоатчилик, аввало, тенгдошлари ўртасида тарғиб этиш айна муддао бўлади.

Қадрли ёшлар!

Хабарингиз бор, кейинги пайтларда келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизими – «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида ўтган 8 ой мобайнида «Ёшлар дафтари»га кирган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, «Темир дафтар»даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

Бундан буён ҳар қандай инвестиция лойиҳасининг бош мақсади, аввало, ёшлар бандлиги масаласини ҳал этишга қаратилиши керак. Бу ҳамма жойда ўзгармас қоидага айланиши зарур.

Ёшларни иш билан таъминлаш, зарур касб-ҳунарларга ўргатиш учун жойларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари масъул ва жавобгардир.

Хабарингиз бор, бу йилдан бошлаб, иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ суммасини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади. Шунингдек, касб-ҳунар мактаби ва техникумлар ўқувчиларига корхоналарда амалиёт ўтаган даври учун 6 ой давомида 500 минг сўмдан



субсидия бериш жорий этилгани, ёшлар ва уларнинг ота-оналар учун катта рағбат бўлди.

Бундан ташқари, ётоқхона билан таъминланмаган 62 минг нафар талабага ойлик ижара тўловининг 50 фоизини бюджетдан қоплаб бериш бошланди. Шу билан бирга, бу йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун, 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Худудларда ташкил этилган 186 та «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари»даги 3 мингта лойиҳа доирасида ёшларимиз учун 50 мингта янги иш ўрни яратилди.

Хурматли ёш дўстларим!

Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада баъзи мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Кейинги бир йилда билимли ва тиришқоқ ёшларимиз халқро фан олимпиадаларида 4 та олтин, 18 та кумуш ва 29 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Жорий йилда Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчиларнинг барчаси муддатидан аввал нуфузли хорижий олийгоҳларга грант асосида ўқишга кирди. Мисол учун, Тошкент шаҳридан Темурбек Сулаймонов – 26 та, Қорақалпоғистондан Нурсултан Дуйсенбаев – 16 та, Хоразмдан Чаросхон Ўқтамбоева – 8 та, Намангандан Робияхон Набижоновна – 5 та, Андижондан ўрта мактаб ўқувчиси Висола Асадуллаева – 12 та нуфузли хорижий олийгоҳга ўқишга қабул қилинган.

Таъкидлаш жоизки, бундай натижалар илгари тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган.

Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 127 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Шунингдек, кейинги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир. Ваҳоланки, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди.

Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга олий ўқув юртрага кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани ёшларимиз келажагини таъминлашга қаратилган амалий эътиборимиз намунасидир.

Мана, куни кеча мамлакатимизда яна бир олий таълим маскани – «**Янги Ўзбекистон» университети** ташкил этилди ва унга кўп йиллар Европадаги энг нуфузли университетлардан бирини бошқарган германиялик таниқли профессор ректор сифатида танланди.

Дунёнинг етакчи ўқув ва илмий ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритадиган ушбу университетга жорий йилда 300 нафар ёшлар қабул қилинади.

Маълумки, бу йил мамлакатимизда мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини қарийб 560 минг нафар ёшлар тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяди. Шу боис ёшларнинг бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Бу борада қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биринчидан, ҳар ўқув йили якуни билан туман, шаҳар, вилоят

ва республика даражасида битирувчилар бандлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

Дастурда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида қанча ёшларни касб-хунарга ўқитиш, қанчасини иш билан таъминлаш, нечта стартап ва тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш белгиланиши шарт. Бу бизнинг ёшлар билан ишлаш бўйича «бандлик», «инновация» ва «инвестиция» дастуримиз бўлиб хизмат қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарлари ҳар ҳафтада бир марта ёшлар билан учрашиб, уларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларини эшитиб, муаммоларини ҳал қилишга масъул ва жавобгар бўлади.

Иккинчидан, бугунги кунда олий маълумот талаб қиладиган 80 мингга яқин бўш иш ўрни мавжуд. Мисол учун, транспорт, геология, қишлоқ хўжалиги, маданият, спорт соҳаларида билим ва малакаси етарли бўлатуриб, олий маълумоти йўқлиги учун минглаб ёшларимиз ишга кира олмапти.

Шу боис жорий йилда олий маълумот талаб этадиган касб ва лавозимлар қайта кўриб чиқилади ҳамда уларнинг камида 150 таси бўйича бундай талаб бекор қилинади. Бундай энгиллик туфайли 10 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлашади.

Учинчидан, мактабларнинг 10-11-синф ўқувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб ва хунарларга ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Бу борада Андижон вилоятида жами 41 минг мактаб битирувчисининг 25 минг нафарини касб-хунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича шаклланган тажриба барча худудларда кенг қўлланиши керак.

Бундан буён мактаб битирувчисига аттестат беришда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган камида битта касб ёки хунарни эгаллаш мажбурий қоида бўлади. Бу тизим давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат таълим ташкилотлари билан бирга йўлга қўйилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар йили 1 сентябрга қадар мактаблар кесимида 10-11-синф ўқувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитиш бўйича рўйхат ва дастурни маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиб, тасдиқлайди. Парламентимиз палаталари ушбу талабни қонун даражасида мустаҳкамлаши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ушбу ташаббусни барча ота-оналар қўллаб-қувватлайди. Чунки касб-хунар эгаллаган инсон бировга муҳтож бўлмайди, бузғунчи ғояларга берилмайди, ҳаётда албатта ўз йўлини топади.

Тўртинчидан, қишлоқларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ишсиз ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун жорий йилда 61 минг гектар ер майдонлари ажратилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган ерлардан яна 75 минг гектари 170 минг нафар ёшларга такрорий экин экиш учун берилди.

Жорий йилда бошлаган ер ислохотимиз доирасида пахта ва ғалладан қисқарадиган майдонларда озик-овқат экинлари етиштириш учун ерларни 10 йил муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилади. Шу тариқа вилоят ва туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари учун яна 500 минг нафар ёшларни доимий иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

Бешинчидан, ёшларга бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида 50 мингдан зиёд энгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этилади.

Бунда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари Касаба уюшмаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги бошлаган Олот тажрибасини ўз худудида йўлга қўйишлари шарт.

Олтинчидан, ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Шу мақсадда жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва Навоий вилоятларида ёшлар технопарклари фойдаланишга топширилади.

Келгуси йили Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ҳам шундай технопарклар барпо этилади. Шунингдек, ёшларнинг стартап ғояларини саралаб олишнинг очик-ошкора тизими йўлга қўйилиб, энг яхши лойиҳаларни молиялаштиришга бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратамиз.

Вилоят ҳокимлари ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап лойиҳалари танловини жорий этиб, ҳар бир тумандан камида учтадан ғолибларга маҳаллий бюджетдан грантлар бериб боради. Битта грантнинг суммаси ўртача 50 миллион сўмни ташкил этади. Бу ишларни самарали ташкил этишга Ахборот технологиялари ва Инновациялар ривожланиш вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда уларнинг қуйи тузилмалари масъул бўлади.

Еттинчидан, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Миллий банк раиси А. Мирсоатов ва банкнинг барча филиаллари раҳбарларининг асосий вазифаси этиб белгиланади.

Бунда ёшларни бизнесга ўқитиш, «Лойиҳалар фабрика»ларида илгари сурилаган янги ғоялар асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш бўйича доимий ишлайдиган ҳамда ёшларга қулай ва қизиқарли бўлган янги тизим яратиш зарур.

Шунингдек, банк томонидан хориждаги ёшларимизга Ватанимизга қайтиб ишлаш, ўз бизнесини ташкил этиш, уй-жой шароитлари бўйича ёрдам беришга қаратилган ишлар йўлга қўйилиши керак. Ана шу ишларни молиялаштириш мақсадида бюджетдан қўшимча равишда 100 миллион доллар маблағ ажратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги форумда ажратилган 100 миллион доллар айна пайтда ёш тадбиркорлар томонидан ўзлаштирилмоқда.

Миллий банк, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси нуфузли хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ёшларни тадбиркорликка ўргатиш бўйича янги бизнес мактаб ташкил этади. Келгуси йилдан бошлаб барча худудларда ушбу бизнес мактабнинг филиаллари очилади.

Ана шу янги тизимни ташкил этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари С. Умурзоқовга топширилади. Азиз ёшлар!

Мен ҳар гал сизлар билан учрашганимда, «**Илми қадрланг, илмга интилинг!**» деган сўзларни такрорлашдан асло чарчамайман.

Ўзингиз кўряпсиз, дунёда ўқиган, замонавий илм ва хунарларни пухта эгаллаган, ёш авлодини айна шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатлар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун биз албатта барча имкониятларни ишга солаемиз.

Бу борада айниқса қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, иқтидорли, лекин олийгоҳда контракт асосида ўқиш имконияти бўлмаган ёшларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратамиз.

Маълумки, бугунги кунда ота-оналар фарзандини олийгоҳда ўқитиш учун 22-28 фоиз ставкада таълим кредитини 3 йил муддатга олмоқдалар. Лекин бу ҳаммага, айниқса, узоқ ва чекка жойларда яшайдиган оилаларга ғоирлик қилаётгани бор гап.

Шуни ҳисобга олиб, янги ўқув йилидан бошлаб барча учун таълим кредити имтиёзли шартларда 7 йил муддатга, Марказий банкнинг асосий ставкасида, яъни жорий йилда 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунга қўшимча равишда, таълим кредитларини қоплаш учун йўналтирилган маблағлар даромад солиғидан ҳам озод қилинади.

Бундан ташқари, «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандларига, олийгоҳдаги ўқининг биринчи йили учун контрактни бюджетдан тўлаб бериш тартиби жорий этилади.

Иккинчидан, мактабларда ўқувчиларни компьютердан шунчаки фойдаланувчи эмас, балки ундан даромад топадиган мутахассислар қилиб тайёрлашимиз зарур.

Шу мақсадда жорий йил якунига қадар умумтаълим мактабларини юқори тезликдаги интернетга улаш ишлари якунланади. Республикаимиз бўйича қўшимча 5 мингта компьютер синфлари ташкил этилади.

Мактабларда ахборот технологиялари дарслари замонавий «Кэмбриж» дастурлари асосида йўлга қўйилади ва ўқитувчилар ҳам, ушбу дастурлар асосида қайта тайёрланади. Худди шундай тизим барча олийгоҳларда ҳам жорий қилинади.

Учинчидан, ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда ипотека дастури доирасида уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга қўшимча 2 мингта квота ажратилади ва ушбу мақсадлар учун бюджетдан 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, ёш оилаларнинг ипотека кредитини қайтаришга тўлаган маблағлари даромад солиғидан тўлиқ озод қилинади.

«Дафтарлар»га кирган оилаларнинг янги турмуш қураётган фарзандларига ўз хонадонда қўшимча уй-жой тиклаб олиши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, ўтган йилги тажриба асосида «Темир дафтар»да қайд этилган оилаларнинг ҳар бир фарзандига ўқув қуроллари ва мактаб формаси сотиб олиш учун август ойида 500 минг сўмдан моддий ёрдам берилади.

Азиз фарзандларим!

Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширяпмиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун қуйидаги масалаларга жиддий эътибор беришимиз зарур.

Биринчидан, ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа мадания-

тини ривожлантириш доимий этиборимиз марказида бўлади.

Фарзандларимизга мўлжалланган бадиий адабиётларни кўпайтириш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида «**Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб**» танловини ўтказиш йўлга қўйилади. Бунда муаллифларга биринчи ўрин учун – 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун – 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун – 50 миллион сўм мукофот берилади.

Иккинчидан, бугун сизлар билан жамоатчиликни безовта қилаётган айрим муаммолар ечими бўйича ҳам фикрлашиб олишимиз зарур.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари давом этаётгани давлат раҳбари сифатида шахсан мени жиддий ташвишга солмоқда. Утган 5 ойда 7 мингдан зиёд ёшлар жиноят содир этгани, ҳозирги вақтда қарийб 40 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобда тургани ҳам хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатмоқда.

Яқинда ижтимоий тармоқларда кўрсатилган хунук воқеалар, яъни жойлардаги Алишер Навоий, Амир Темур, Мотамсаро она ҳайкаллари ёнида айрим тарбиясиз ёшлар томонидан содир этилган номаъқул ҳаракатлар мени ниҳоятда ранжитди. Бу болаларнинг ота-онаси, бобо-момолари, ўқитувчи ва муаллимлари, қолаверса, маҳалла-кўй, ёшлар билан ишлайдиган масъул мутасаддилар қаерга қараётди?

Ватанимиз ёшларига мутлақо ярашмайдиган, барчамизга иснод келтирадиган бундай салбий кўри-нишларга жамиятимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги зарур. Керак бўлса, биз халқимизнинг муқаддас қадриятлари, тимсоллари ва табаррук қадамжоларига беписанд муносабатда бўладиган кимсаларга нисбатан жазо чораларини янада кучайтираемиз. Бундай бузғунчи ишларнинг олдини бугун олмасак, эртага кеч бўлади.

Бу борада мени бир нарса чуқур ўйлантиради. Нима учун ёшлар тарбиясига бевосита масъул ва жавобгар бўлган ташкилотлар, ота-оналар, педагогик жамоалар бу масала бўйича тезкор ва принципиал муносабат билдирмаяпти?

Ҳозирги ғоят мураккаб даврнинг кескин талаби шундайки, ҳар қандай имконият ва минбардан фойдаланиб, ислохотларимизга халақит бераётган барча муаммо ва камчиликларни биргаликда, очик ва ошқора муҳокама қилишимиз лозим. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, четдан келиб ҳеч ким биз учун қилиб бермайди. Шунинг учун ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича муовинлари, олийгоҳлардаги тегишли проректорларнинг мақоми, ваколати ва масъулиятини ошириш, иш услубларини ўзгартириш ва мутлақо такомиллаштириш керак.

Парламент палаталари ана шундай мутасадди раҳбарлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш тартибини жорий этиши ўринли бўларди. Ҳукумат эса шу асосда уларнинг ваколатларини кенгайтириш, иш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим.

Давлат бошқаруви академиясида ёшлар масаласига мутасадди барча раҳбарларнинг билим ва малакасини ошириш учун ўқув курслари ташкил этилиши керак. Улар ўз вилояти ва туманлари, мактаб, коллеж, тех-

никум, олийгоҳлардаги ёшларнинг маънавий тарбияси учун бевосита масъул бўлиб, ҳар ойда таҳлилий муҳокамалар ўтказиши ва маҳаллий Кенгашларда ҳисобот бериб бориши даркор.

Бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Минтақамиз ва дунёдаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Миллий хавфсизлигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизга нисбатан таҳдид ва хатарлар кучаймоқда.

Мана, ўзингиз телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали кўряпсиз, кўшни Афғонистондаги аҳвол мураккаблашиб бормоқда. Бундай вазият Қуролли Кучларимиз салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишларни, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси билан уйғун ҳолда олиб боришни талаб этмоқда. Шу боис ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш, ўзаро ҳам-жиҳатлик ва бирдамлигимизни мустаҳкамлаш, ҳар қандай таҳдидларга муносиб жавоб беришга тайёр бўлиб яшаш ҳаётнинг ўткир заруратига айланмоқда.

Ёш авлоднинг онгини салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, айниқса ёшларнинг асосий бурчи бўлиб қолиши шарт.

Ҳозирги вақтда миллий армиямиз, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Чегара кўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз чинакам Ватан ўғлонлари, жасур аждодларимизнинг муносиб давомчилари эканини амалда исботламоқда. Улар халқро ҳарбий мусобақаларда, жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтараётганларини барчамиз яхши биламиз.

Хабарингиз бор, ҳарбийларимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини ошириш мақсадида Жасорат мактабини яратишга қарор қилган эдик. Бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу билан бирга, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, «Темурбеклар мактаби» фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Буюк саркардаларимизнинг жанг санъати, ҳарбий соҳадаги билим ва тажрибаси, энг муҳими, ватанпарварлик фазилатлари ҳар бир юртимиз ўғлони учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши керак. Уларнинг жанговар анъаналарини бугун ким давом эттиради? Сизлар, сизлар каби миллионлаб фарзандларимиз, албатта.

Ёшлар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, ҳал қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортга жалб этиш масалаларига устувор аҳамият қаратишимиз зарур. Шу мақсадда Мудофаа вазирлиги ҳузурида «Ватан ўғлони» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Ҳаракатнинг ҳар бир мактабда тузиладиган отрядлари жами 200 мингдан ортиқ ўқувчини камраб олиб, уларни тарбиялашда асосий кучга айланиши керак.

Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан бирга, ушбу тизимни самарали йўлга қўйишга масъул бўлади.

Учинчидан, маданият, санъат, илм-фан, таълим соҳасида ўз иқтидорини намоён этаётган ёшлар учун зарур шароитларни яратиш ҳудудлар ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши шарт.

Шу мақсадда Бўстонлик туманида, Ўзбекистон металлургия комбинатининг «Ёшлик оромгоҳи» негизида йил давомида фаолият юритадиган Республика иқтидорли ёшлар оромгоҳи ташкил этилади. Оромгоҳ Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар агентлиги тасарруфида бўлиб, унинг барча харажатлари «Ўзметкомбинат» томонидан молиялаштирилади.

Бу масканда ёшларимиз йил давомида аниқ фанлар билан бирга, бадиий адабиёт, тасвирий санъат ва мусика бўйича ҳам билим ва малакасини оширади. Ҳар йили ушбу йўналишлар бўйича туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида фестиваллар ташкил этилади.

Асрлар давомида буюк аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган маънавий хазинани кўз қорачигидек асраш ва уни янада бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиш – барчамизнинг бурчимиздир. Дўппи, чопон, атлас, адрас, сўзана, кашта, дутор, ғижжак, танбур, дўмбира, чанқовуз каби миллий ҳунармандчилик намуналари ва чолғу асбобларини ёшлар ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва туманда, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим масканларида Наврўз ва Мустақиллик байрамларига бағишлаб, кўрик-танлов ва фестивалларни ташкил этиш керак. Шунингдек, ўғил болаларни эр йигитнинг қаноти бўлган от билан дўстлашиб, мард ва жасур бўлиб камол топиши учун ёшлар ўртасида от спортини оммалаштириш зарур.

Айниқса, қорабайир зотли отлар ёшларимиз учун ғурур тимсолига айланиши лозим. Шу мақсадда ҳар бир вилоят ва туманларда «Чавандозлар мактаби» фаолияти йўлга қўйилади.

Яқинда Германияда от спорти бўйича бўлиб ўтган нуфузли мусобақада самарқандлик мактаб битирувчиси Абдурахмон Абдуллаев иккита йўналишда олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди. Халқро миқёсидаги ютуқлари учун бу ўғлимиз «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бундай моҳир чавандозларни кўпайтириш учун туман, вилоят ва республика миқёсида от спорти мусобақалари, шунингдек, улоқ-кўпқари, чавгон, пойга каби миллий ўйинлар ташкил этилади. Вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳамда Миллий гвардия кўмондони бу ишларни ташкил этишга шахсан масъул бўлади.

Тўртинчидан, катта мамнуният билан айтиш керакки, 100 нафардан ортиқ ёшларимиз кейинги ойда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ва Паралимпия мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Уларнинг вакиллари ҳам ушбу учрашувимизда иштирок этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, истеъдодли спортчиларимизга барчамиз биргаликда ютуқ ва зафарлар тилаб қоламиз.

Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳақида гап кетганида, бир муаммони айтиб ўтиш лозим. Ҳудудлардаги кўплаб спорт иншоотлари асосан туман ва шаҳар марказларида жойлашгани боис чекка қишлоқларда яшайдиган ёшлар бу имкониятлардан фойдалана олма-япти. Шу сабабли жойларда спорт тўғрақларини ташкил этаётган мураббийларга инвентар сотиб олиш

учун субсидия ажратилади, бўш турган бинолар имтиёзли асосда ижарага берилади. Шунингдек, камида 100 нафар ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига эришган мураббийларга бюджетдан ойлик тўлаш тартиби жорий этилади.

Туризм ва спорт вазирлиги икки ой муддатда олис ҳудудларда ёшлар учун енгил конструкцияли ва «сэндвич панел»ли спорт иншоотларини барпо этиш бўйича ҳар бир туман кесимида Ҳукумат дастурини ишлаб чиқиб, намунавий лойиҳалар тақдимотини ўтказсин.

Бешинчидан, юртимиз тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга жуда бой. Лекин олис ва чекка ҳудудлардаги аксарият ёшларимиз Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Термиз, Қўқон, Марғилон, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизни кўрмаган, десак, тўғри бўлади.

Шунинг учун ички туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида ёшларнинг таътил пайтида республикамиз бўйлаб саёҳатларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Шунингдек, ёшларимизни табиатимиз дурдоналари бўлмиш – Чотқол, Зомин, Сурхон, Нурота, Қизилқум қўриқхоналарига саёҳатларини йўлга қўйиш зарур.

Ҳурматли форум иштирокчилари! Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!

Мен бугун сизларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятингизни рўёбга чиқаришга қаратилган ишларимизнинг фақат айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдим, холос. Ҳаммамиз тушунамизки, олдимизда турган улкан вазифалар яна янги дастур ва режалар қабул қилишни талаб этади. Жойларда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар сизлар билан доимий учрашувлар ўтказиб, фикр ва таклифларингизни мунтазам эшитиб боради. Ана шундай самарали тизим асосида ёшларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларимизни доимий тарзда давом эттирамиз.

Кўриб турибсизларки, сизлар билан биргаликда бажарадиган ишларимизнинг кўлами кенг, миқёси жуда улкан.

Биз сизларнинг ақл-заковатингиз, куч-ғайратингиз, келажакка ишончингиз, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатингизга таяниб, маррани ниҳоятда баланд олдик. Ушбу вазифаларни барчамиз биргаликда муваффақият билан амалга оширишимизга ишончим комил, албатта.

Бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиётини учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз – асосий таянчимиз ва суюнчимиздир. Сизлар том маънода юртимиз истиқболи, ёруғ келажакимиз бунёдкорисиз!

Машхур шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, ёшлиқдаги куч-ғайратни эл-юртига бахш этган йигит-қизлардан Ватан ҳам, халқ ҳам, ёшликнинг ўзи ҳам рози бўлади.

Ҳаммангизга ана шундай улкан бахт, улкан шараф насиб этсин!

Сизларни бугунги гўзал байрам – Ёшлар куни билан яна бир бор табрик-лаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янги зафарлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

МАРДИ МАЙДОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ҳарбий
округларида куч тузилмалари
билан ҳамкорликда ўқув
режасига асосан қўшинларни
жанговар шайликка келтириш
бўйича амалий машғулотлар
бўлиб ўтди.*



ЖАНГОВАР ШАЙЛИК

СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Хусусан, мудофаа вазири раҳбарлигида Тошкент ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округлари ҳамда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисм ва бўлинмаларида тўсатдан текширувлар амалга оширилди. Бунда шахсий таркиб ва жанговар техникаларнинг шайлиги текширилди.

Шунингдек, «Ангрен» ва «Термиз» умумқўшин дала майдонлари ҳудудида Тошкент ва Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонликлари тасарруфидаги ҳарбий қисм ва ҳамкор-

ликдаги куч тузилмалари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг амалий дала кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида батальон тактик ўқувлари ўтказилди.

Тактик ўқувлар давомида «Тревога» сигнали берилганда шахсий таркибнинг ҳаракатлари, белгиланган йўналиш бўйича ҳимояни кучайтириши, қўйилган жанговар ўқув вазифаларини сифатли бажариш борасидаги кўникмалари синалди.





Шунингдек, шартли душманнинг эҳтимолий жойлашган ҳудуди аниқланиб, кейинчалик улар томонидан олиб борилиши мумкин бўлган фаол ҳаракатларни бартраф этиш мақсадида авиация ҳамда артиллерия бўлинмаларининг куч ва воситалари ҳамда миномётчилар батареяси томонидан зарбалар берилди.

Ўқув ғоясига кўра, юртимиз ҳудудига суқилиб кирган шартли душманни аниқлаш, уларни йўқ қилиш ва қўриқловни кучайтиришдаги барча ҳаракатлар куч тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Батальон тактик ўқув машғулотларида моддий таъминот бўлинмаларининг жанг майдонида ўқ-дориларни етказиб бериш тартиби ҳам амалда кўриб чиқилди. Бунда бўлинма жанговар гуруҳ қўриқлови остида ҳаракат олиб борди.

Қолаверса, жанг майдонида талафот етказилган жанговар техникаларга техник таъминот бўлинмалари томонидан хизмат кўрсатиш ишлари ҳам амалга оширилди. Агар жанг майдонида жанговар техникаларни таъмирлаш учун куч ва воситаларнинг имконияти бўлмаса, юқори қувватли шататка олиш техникасини қўллаган ҳолда жанг майдонидан эвакуация қилинади. Носоз бўлган техника махсус жойга кўчирилиб, мутахассислар томонидан таъмирланади ва жанг майдонида қайтарилади. Ўқув машғулотларида мана шу вазифалар ҳам бирма-бир кўриб чиқилди.





Жанг мобайнида ярадор бўлган ҳарбий хизматчиларга взвод ва батальон фельдшерлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилиши ва батальон тиббиёт пунктига санитар автомобилида, оғир ярадор бўлганлар эса вертолётлар орқали ҳарбий госпиталга эвакуация қилиниши бўйича ҳам ўқув саволлари бажарилди.

Ўқув ғоясига кўра, шартли душманни тўлиқ яқсон этиш ва қўриқлаш тизимини қайта тиклаш мақсадида батальоннинг захира кучларини вертолёт авиациясини қўллаган ҳолда десантлаштириш вазифаси ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Бир сўз билан айтганда, ўқув машғулотида кўзланган асосий мақсадга эришилди.

Батальон тактик ўқув машғулоти давомида мудофаа вазири эътиборига разведка бўлинмаларининг янги ва ҳар томонлама мукамал ишланган тактик нимчадан фойдаланган ҳолда вазифа бажариши ҳам амалда кўрсатиб ўтилди. «Ангрен» полигониди бўлиб ўтган машғулотларни Қуролли Кучлар академиясининг тингловчилари бевосита кузатиб борди.

Яқунда ўқув машғулотининг юқори савияда ташкил этилиши ва касбий маҳоратда шахсий таркибга ўрناк бўла оладиган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар мудофаа вазири томонидан муносиб рағбатлантирилди.

* * *

Режага асосан қўшинлардаги батальон тактик гуруҳларни жанговар шайликка келтириш бўйича кўрғазмалли амалий машғулотлар Марказий ҳарбий округда ҳам ўтказилди.

Хусусан, округ қўмондонлиги раҳбарлигида машғулот режасига кўра, ҳарбий хизматчилар, жанговар ва зирҳли техникаларнинг жанговар шайлиги текширувдан ўтказилди. «Сазаган» дала-ўқув майдониди ўтказилган батальон тактик ўқуви давомида асосий эътибор ҳарбий хизматчиларнинг белгиланган вақтда вазифани бажара олиш қобилиятига қаратилди.

Ҳарбий округ қўмондонлиги машғулотлар давомида батальон командиридан тортиб энг қуйи бўғиндаги ҳарбий хизматчиларга қадар жанговар ҳаракатларини кузатиб борди.

Жанговар бўлинма томонидан жанговар топшириқни бажаришдаги тактик ҳаракатлар, жанговар иккилик ва учлик билан шартли душман яқсон этилгани ҳақидаги маълумотлар мобил қўмондонлик пункти орқали юқори қўмондонликка маълум қилинди.

Лейтенант Исломжон ҚҶЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»



«АРМИ – 2021»

«ТАНК БИАТЛОНИ»: ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



Дунё армияларининг жанговар тайёргарлиги намоён бўлувчи, томошабинларга унутилмас онларни тақдим қилувчи, чинакам матонат ва маҳорат синови бўлган «АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинлари бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Ҳарбийларимиз бу йил ҳам ўтган йилги ютуқлардан кўра каттароқ натижаларни қайд этиб, юрт байроғини баланд кўтаришни, ўзбек ўғлонларининг нималарга қодир эканликларини амалда намоён этишни ўз олдларига мақсад қилган.



терма жамоа ҳарбий хизматчиларининг соҳани пухта эгаллашларига замин яратмоқда. Мусобақа шартига кўра, танк экипажлари икки айлана давомида узунлиги 4 200 метр бўлган масофани босиб ўтиши лозим. Шунингдек, ҳаракат давомида чуқурлиги 1 метру 20 см ва узунлиги 25 метр бўлган сувли тўсиқ, баландлиги 7 метр ва узунлиги 25 метр бўлган «қўрғон», миналаштирилган ҳудуд, манёвр қилиш участкаси, танкка қарши йўлакчи чуқур, йўлакчи кўприк каби тўсиқларни хатоларсиз босиб ўтишлари керак. Ҳар айлана якунида ўт очиш маррасида ҳаракатланмайдиган нишон амали бажарилади.

Экипаж аъзолари мазкур машқларни бажаришда эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳат-

ларни мукамал ўзлаштирмоқда. Йигитларимиз жанговар техникаларни моҳирлик билан бошқариб, уларни турли тўсиқлардан бета-лафот олиб ўтиш, нишонларни хатосиз мўлжалга олиш борасидаги имкониятларини янада ошириш устида тинимсиз машқ қиляпти. Танкчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати тажрибали мураббийлар томонидан таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этиляпти.


«Танк биатлони» мусобақаси Халқаро армия ўйинларининг энг жозибадор йўналишларидан бири ҳисобланади. У ҳар йили минглаб томошабинлар томонидан жонли, миллионлаб ишқибозлар томонидан эса онлайн томоша қилинади.



Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ дала-ўқув майдонида «Танк биатлони» йўналишида иштирок этадиган жамоамиз тинимсиз тайёргарлик машғулотларини олиб бораётир. Бунинг учун полигонда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жамоавий мусобақаларда яхши натижага эришиш учун унинг ҳар бир аъзоси бирдек ма-

сзулият билан жипсликда ҳаракат қилиши керак. Мана шу жиҳатгина жамоага ғалаба олиб келади.

Айтиш керакки, индивидуал тарзда олиб бориладиган машқлар



Таассуротлари эса қанчадан-қанча давраларни қизитади. Чунки бу зирхли техникалар билан бажариладиган ҳар бир шарт, босиб ўтиладиган тўсиқлар, яқсон этиладиган нишонлар томошабинга олам-олам завқ бағишлайди. Юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган вакилларимизга мана шу завқли мусобақада доврүк қозонишни тилаймиз.

Лейтенант Отабек НОРБОЕВ,
Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати

БИТИРУВ – 2021

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида офицер бўлишни мақсад қилиб, белгиланган муддат давомда танлаван соҳалари бўйича таълим-тарбия олган ўғлонларнинг навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиздаги энг нуфузли ва таянч олий ҳарбий таълим муассасаси саналган Қуролли Кучлар академиясида ўтказилган битирув тадбирида мазкур олий ҳарбий таълим даргоҳининг ва Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси қалдирғочларининг битирувчилари сафларга кузатилди.

Қуролли Кучлар академияси ҳамда Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юртида ўтказилган тантананада мудофаа вазири генерал-лейтенант



ЯНГИ ДОВОН ОСТОНАСИДА



Баҳодир Қурбонов иштирок этиб, ёш офицерларни қутлади, уларга таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар ва ота-оналарнинг меҳнатини эътироф этди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам битирувчила-



рига ўзларининг самимий тилаklarини билдиришди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонларини мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Алишер Норбоев, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларидан келган меҳмонлар



биргаликда тантанали топширдилар. Уларга янги-янги довлонларни забт этишларида толмас куч-қувват тилашди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ҳам битирув маросими байрамона ўтказилди. Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Зоиржон Бозорбоев, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари битирувчиларни қутлаб, уларнинг келгуси хизмат фаолиятлари ҳамда шахсий ҳаётларида улкан муваффақиятлар тилади.

Ёш лейтенантлар ҳам зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис қилган ҳолда билдирилган юксак ишончга муносиб фаолият юритишга ваъда бердилар. Яратилган шарт-шароитлар, берилган билим, тажриба ва кўникмалар учун ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирларга кўтаринки руҳ бахш этди.

Ёш ва навқирон битирувчилар билан Қуролли Кучларимиз сафлари янада мустаҳкамланди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқининг иштироки, кўрсатган жасорати, ғалабага қўшган ҳиссаси, душманга қарши олиб борган жанглarda қурбон бўлган юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқат ҳозиргача руй-рост очиб берилган эмас. 1941–1945 йилларда душманга қарши жанг қилган ва мислсиз жасоратлари, қурбон бўлганлар миқдори, фронт ортидаги меҳнат армиячилари, яъни қуролсиз аскарларнинг заҳмати тўлалигича ўрганилгани йўқ.

Ленинград камалида, Москва остоналарида, Сталинград, Орёл-Курск ва бошқа ҳудудлардаги жанглarda иштирок этган ва қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскарлар номма-ном аниқланмаган. 1931–1933 йилларда Ўзбекистондан Украинага, Шимолий Кавказга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган қулоқ оилалардан ҳарбий хизматга ва меҳнат фронтга сафарбар қилинган, фронтда ва меҳнат фронтда ҳалок бўлган ўзбеклар тақдири тадқиқ этилган эмас. Ҳаракатдаги ҳарбий қисмларда душманга қарши жанг олиб борган ўзбек чанғичи аскарларимиз ва уларнинг тақдири эса умуман ўрганилмаган.

Батальонларнинг ташкил этилиши

1941–1945 йилларда фашизм босқинига қарши олиб борилган жанглarda 49-армия кўшинлари катта жасорат кўрсатади. Бу армия таркибида алоҳида чанғичилар батальонлари бўлиб, улар таркибида ўзбек жангчилари ҳам бўлган. 49-армия эса СССР Олий Бош қўмондонининг 1941 йил 7 августдаги қарори билан резерв фронтга 35-ўқчи корпуси, 35-армия таркибида ташкил топган. Унинг таркибида 194-тоғ ўқчи полки, 220, 248-ўқчи дивизиялари, 4-халқ лашкари, 396-корпус артиллерия полки ва бошқа қисмлар бўлган. 1941 йилнинг октябрида 49-армия Ғарбий фронт таркибига кирган ва Можайон мудофаа чизиғи Калуга районида қайта жойлаштирилган.

Ҳарбий қисмларда чанғи батальонларини тузиш ва улардан душманга қарши жанглarda фойдаланиш биринчи бор 1939 – 1940 йиллардаги совет – фин урушида қўлланилган эди. Чанғи отрядларидан душман ортида жанг ва разведка-диверсион ҳаракатларда самарали фойдаланилган. СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1939 йил 24 декабрдаги 0672-сонли директиваси асосида биринчи навбатда талабалар, хизматчилар ва ишчилардан кўнгилли чанғи ҳарбий қисмлари шакллантирилади. 1940 йил февралнинг бошида 77 та алоҳида чанғи батальони ва 28 та чанғи эскадрони ташкил этилган.



«ЧАНҒИЧИ АЖАЛ ОТРЯДЛАРИ»ДАГИ Ўзбек жангчилари



Шулардан 54 отряди Қизил армия сафларида бўлган.

1941 – 1942 йилларда Москва остонасидаги ҳал қилувчи жанглarda 30 та махсус чанғи батальони жангчилари мардонавор кураш олиб боради. Зирхли техника етишмовчилиги оқибатида отлик ва алоҳида чанғи бригадаларидан душман камалини ёриб ўтишда самарали фойдаланилган. Фашист босқинчилари бу чанғи отрядларининг жанговарлик маҳорати, жанг олиб бориш услубларига тан бериб, уларни «Чанғичи ажал отрядлари» деб номлашган. Бу отрядлар урушнинг дастлабки йилларида душманнинг 3 минг аскар ва офицерини қириб юборган, 87 та темир йўл постларини портлатган. Чанғи батальонидаги ҳарбий аскарлар Москва мудофаа си жанглирида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатишди. Душман ортида ҳам махсус чанғи гуруҳлари жанг олиб борган. Орлов, Житомир, Чернигов, Гомель, Брест областларида ва Польшани озод қилиш учун олиб борилган даҳшатли жанглarda партизанлардан тузилган чанғи отрядлари катта ғалабага эришади.

Ҳисобга олинмаган эди...

Сталиннинг 1943 йил 23 октябрдаги тегишли буйруғидан сўнг бу ҳарбий бўлинмага янада катта аҳамият берилади. Бироқ буйруқни бажариш учун жойлардаги ҳарбий қўмондонлик жангчиларнинг касбий, миллий жиҳатдан ўзига ҳос жиҳатларини ҳисобга олмади. Масалан, ўрта осиелик аскарлар учун чанғида жанг олиб бориш ниҳоятда мушкул эди. Чунки бу минтақада ўша вақтда чанғидан фойдаланиш ва чанғи спорти ривожланмаганди.

Шу боис ҳам Чанғи қисмларини шакллантириш тўғрисидаги буйруқда 39-армиядаги чанғи қисмлари чанғи ҳақида тушунчага эга бўлмаган жанубий ўлкалардан (ўзбеклар, қозоқлар) ташкил этилганлиги танқид остига олинган.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек аскарларининг катта қисми тоғли жойлардаги ҳарбий операцияларда чанғида юриш ва жанг олиб бориш тажрибасига эга бўлмаганлиги боис уларнинг катта қисми душманга қарши жанглarda ҳалок бўлган. Уларни номма-ном аниқлаш ўзбек тарихшунослигидаги муҳим вазибалардан бири. Чунки бу ҳозиргача ўрганилмаган. Ўзбекистон тарихининг Иккинчи жаҳон уруши мавзусига бағишланган асар ва мақолаларда ўзбеклар, ўзбекистонликларнинг чанғида олиб борган уруш ҳаракатлари, берилган қурбонлар ҳақида ҳеч қандай маълумот учратмайсиз. 2019 йили Минскда икки давлат ҳамкорлигида нашр этилган «Победа одна на всех. Беларусь – Узбекистан» номи китобда Беларусь fronti чанғи батальонларида хизмат қилган ва жанглarda ҳалок бўлган ўн нафар ўзбекистонлик чанғичи жангчилар ҳақида ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган маълумотлар мавжуд.

Тақдири бир ватандошлар

1925 йилда туғилган, 290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Парпи Асқаров** 1943 йил 21 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғидаги жангда ҳалок бўлган. Шу ерга дафн қилинган, қабр рақами: 4 846.

290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Нўмонжон Асқаров** эса 1943 йил 20 ноябрда ўша ерда-

ги жангда ҳалок бўлган ва шу ерга дафн этилади. Қабр рақами: 4 846.

1908 йилда Самарқанд вилояти Пойариқ туманида туғилган 76-Ельненск ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган **Оллоқул Алиқулов** 1943 йил 2 декабрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Боброво агрошаҳарчасидаги жангда ҳалок бўлган. Боброво қишлоғи шимоли-шарқидан 800 метр узоқликда жойлашган биродарлик қабристони йўлида дафн этилган, қабр рақами: 4 826.

1925 йили Марғилон шаҳрида туғилган, 76-Ельненск ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган **Аҳмад Акбаров** 1943 йил 18 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Боброво агрошаҳарчасидаги жангда ҳалок бўлган. Боброво қишлоғи шимоли-шарқидан 800 метр узоқликда жойлашган биродарлик қабристони йўлида дафн этилган, қабр рақами: 4 826.

Қорақалпоғистонлик, 1924 йилда туғилган, 62-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган **Салимон Носиров** 1943 йилда Витебск области Дуброво райони Волековск қишлоқ совети Калиновка агрошаҳарчасидаги жангда ҳалок бўлган, қабр рақами: 4 833.

Хоразм вилояти Хонқа қишлоқ совети Коммуна колхозида 1919 йили туғилган, 33-армия 338-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган **Қурбонбой Оллоберганов** 1944 йил 16 январда Витебск области Лиозно райони Лиозно қишлоқ совети Великое Село қишлоғидаги жангда ярадор бўлиб ҳалок бўлган. Шу ердаги Канашково қишлоғига дафн этилган, қабр рақами: 4 301.

1910 йилда туғилган, 290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Алижон Ортиқов** 1943 йил 24 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғидаги жангда ҳалок бўлган. Хондоги қишлоғида дафн қилинган, қабр рақами: 4 846.

1917 йилда туғилган, 290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Мухтор Шарипов** 1943 йил 19 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғидаги жангда ҳалок бўлган. Хондоги қишлоғида дафн қилинган, қабр рақами: 4 846.

1923 йилда туғилган, 290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Ғойиб Юсупов** 1943 йил 29 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғидаги жангда ҳалок бўлган. Хондоги қишлоғида дафн қилинган, қабр рақами: 4 846.

1903 йили Тошкент вилоятида туғилган, 290-сонли ўқчи дивизияси махсус чанғи батальонида хизмат қилган оддий аскар **Мўхаммаджон Султонов** 1943 йил 23 ноябрда Витебск области Дуброво райони Малосавинск қишлоқ совети Хондоги қишлоғидаги жангда ҳалок бўлган. Хондоги қишлоғига дафн қилинган, қабр рақами: 4 846.

Зинур БОЗОРОВ,
«Шон-шараф» музейи
кичик илмий ходими

ТАРИХ



ХОН, ТАРИХЧИ, ОЛИМ ВА ТАБИБ АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОН

Хоразм деган муаззам бир мамлакатнинг тарихи ва унинг қудратли ҳукмдорлари, чуқур билим ва зақо эгаси бўлган олиму уламолари ҳақидаги маълумотлар минг йиллик тарихимизнинг олтин саҳифаларини ташкил этади. Бунинг учун Хоразм тарихнависларидан миннатдор бўлмоқ керак.

XVII асрдан XX аср бошларигача бўлган даврда бу юртда яна бир неча тарихчилар дунёга келдики, уларнинг асарлари бизга қимматли хабарлар беради. Абулғозий Баҳодирхон, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баённий...

Бу шахслар орасида Абулғозий Баҳодирхон алоҳида ўрин тутди.

Хоразм хони Араб Муҳаммадхоннинг Асфандиёрхон, Ҳабаш султон, Элбарс султон, Абулғозийхон, Шариф Муҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Авғон султон исми етти ўғли бор эди. Хоннинг тўртинчи фарзанди бўлган Абулғозий Баҳодирхон болалигидан барча илмларни мукамал эгаллайди. Ўн олти ёшгача отаси қўлида тарбия топган Абулғозий йиллар ўтиб, давлат арбоби, тарихчи, олим ва табиб бўлиб етишди. У ўзи ҳақида шундай ёзади:

«Мени Худойи таоло иноят қилиб, кўп неъматлар билан сийлади. Хусусан, уч ҳунар берди.

Биринчиси – сипоҳийгарлик. Қўшин тутиш қонуни, яъни уни отлантириш ва қай тартибда ёвга ҳужум қилиш, кўп ёки кам сонли қўшин билан юрганда қандай чоралар кўриш кераклигини билиш.

Иккинчиси – шеърятнинг барча турларини нозиклиги билан тушуниш, араб, форс ва туркий

луғатлар маъноларини англаш. Учинчиси – Одам Атодан то шу кунгача Арабистонда, Эрон ва Туронда, Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг исмлари, қанча

яшаганлиги, салтанатининг неча муддат давом этганлигини билиш».

Абулғозий тарихни билиш борасида ўзи каби киши фақатгина Ироқ ва Ҳиндистонда бўлиши мумкинлигини айтади. Бироқ қўшин тутиш қонунини би-

луғатлар маъноларини англаш.

Учинчиси – Одам Атодан то

шу кунгача Арабистонда, Эрон ва Туронда, Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг исмлари, қанча

яшаганлиги, салтанатининг неча муддат да-

вом этганлигини билиш».

Абулғозий тарихни билиш борасида ўзи каби киши фақатгина Ироқ ва Ҳиндистонда бўлиши мумкинлигини айтади. Бироқ қўшин тутиш қонунини би-

Хоразм тарихнавислиги хусусида бир қанча тадқиқотлар олиб борган олим Қувомиддин Муниров шундай ёзади: «Абулғозий Баҳодирхон асариди XVII аср Хоразмнинг сиёсий тарихи муфассал баён этилган. Чунки у кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи эди».

Абулғозий «Шажараи турк» асарини 9 бобга бўлади. Аввалги саккиз бобида Одам Атодан бошлаб, Чингиз ва унинг авлоди ҳукмронлик қилган даврлар ёритилган бўлса, тўққизинчи бобда Хоразмда ҳукмронлик қилган Шайбон авлоди даврида бўлган тарихий воқеалар баён этилган. Бу бобда Араб Муҳаммадхон ва ўзининг ҳукмронлиги йиллари батафсил ўрин эгаллайди. Бу асарнинг қиммати шундаки, унда келтирилган кўпгина тарихий воқеалар араб ва форс тилида

ёзганлигини айтади: «Эмди кўнглингизга келмасунким фақир тараф тутиб ёлғон айтган бўлғайман ва ё ўзимни ғалат таъриф этган бўлғайман».

Абулғозий Баҳодирхоннинг отаси Хоразм хони Араб Муҳаммадхоннинг тақдири фожиали кечади. Тахтга, мол-дунёга бўлган ҳирс ўғиллар ўз отасига қарши қилич кўтаради. Араб Муҳаммадхон давлат тепасига келгандан ўн тўрт йил ўтгандан сўнг ўғиллари 16 ёшли Ҳабаш султон ва 14 ёшли Элбарс султон отасига қарши фитна уюштиради. Шунда Араб Муҳаммадхон уч ўғли – Абулғозий, Асфандиёр ва Шариф Муҳаммад билан исён кўтарган Ҳабаш ва Элбарс устига юриш қилади. Алал оқибат Араб Муҳаммадхон енгилиб асир олинади ва кўзи кўр қилинади. Шундан кейин Абулғозий Бухорога Имомқулихон ҳузурига қочди.

Кейинги даврларда ака-укалар ўртасида бир неча марта тахт учун курашлар бўлиб ўтади. Абулғозий гоҳ Эронда, гоҳ Тошкентда, гоҳ қозоқ хони Эшимхон ҳузурига бўлади.

Ўн йил Эронда, Исфаҳон яқинидаги Таборак қалъасида қамоқда яшаган Абулғозий 1639 йилнинг ёзида тутқунликдан қочади. Асфандиёр вафотидан бир йил ўтиб, Амударёнинг денгизга қуйилиш жойида яшаётган халқ уни хон қилиб кўтардилар. Шу тариқа то 1644 йил Хива тахтига ўтиргунига қадар жангу жадаллар ичида яшайди.

Абулғозий касаллиги туфайли Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари ҳукмронлиги давридаги муҳим сиёсий воқеалардан хабар берувчи асарини ўз вақтида тугата олмайди. Хонликни ўғли Анушага топшириб, бу китобни чала қолдирмай, тамом қилишни васият қилади. 1663–1664 йили рамазон ойида вафот этганидан сўнг Муҳаммад Замон Урганжий исми шахс Анушахон буйруғи билан «Шажараи турк» асарини якунига етказди.

Ф. ЭРГАШЕВ тайёрлади.



лишда биз кўрган ва эшитган му-сулмон ва кофир юртларида йўқ, дейди. Ер юзи кенг, биз эшитмаган ерларда бўлиши мумкин, деб ҳам қўшиб қўяди.

Бизга нокамтарлик бўлиб туюладиган бу эътирофнинг нечоғли ҳақиқат эканлиги унинг туркийлар тарихига бағишланган «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» ҳамда тиббиётга оид «Манофий ул-инсон» асарларида кўринади. Демак, араб, форс ва туркий тилларни чуқур билган Абулғозий Баҳодирхон етук олим ҳам эди.

ёзилган асарларда келтирилган бўлса, Абулғозий уларни жамлаб, туркий тилга ўгиради.

Бу тарихни ким ёза олар экан, деб ўйлайди Абулғозий ва ҳеч муносиб киши топмадик. Зарур бўлди, ўзимиз ёздик. Ҳеч бир подшоҳ ва амир, ҳеч ҳақим ва донишманд ўз тарихини ўзи ёзган эмас. Юрагимизнинг истагидан ҳеч бўлмаган иш бўлди, дейди.

Яна бир муҳим жиҳати, у ўз асарини ҳеч кимга тарафқашлик қилмай, воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича, холисона

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Адибимиз Саид Аҳмад яна бир адиби-миз Ўткир Ҳошимов ҳақида шундай ёзган эди: «Агар сиз унинг китобларини диққат билан ўқисангиз, ижоди халқ ҳаёти билан нақадар ҳамоҳанг эканига, саҳифалар қатидан нечалаб инсонлар тақдири бош кўтариб чиқишига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари афсона ҳам, эртақ ҳам эмас. Соф ҳақиқат. Китобхон унда ё отаси, ё акаси ва ёки яқин бир киши билан учрашади. Уларнинг кураш ва меҳнатда ўтган тарихларига рўпара келади.

Оламдан ном-нишонсиз ўтиб кетган, аммо шон-шараф билан яшаган кишилар кўз олдимизда пайдо бўлади. Уларнинг қувончларидан кўксимиз қалқиб-қалқиб кетади, ғаму андуҳларидан кўзларимиздан ёш тўкилади».



КИТЪАДАГИ УМИД ДАРАХТИ

Ҳа, айнан шулар учун ҳам унинг асарлари кўн-гилга яқин, кўп ўқилади. Бугун сизга Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ўткир Ҳошимовнинг «Инсон садоқати» руҳий драмасини мутолаа қилишни тавсия этамиз. Бу асар асосида телеспектакль ҳам ишланган.

«Инсон садоқати» ҳақида ўқимаган эканман. Бу асар 1973 йилда ёзилган. Аввалига спектаклни кўрдим, бир нарсани тушундим, деб айта олмайман. Ёш эдим, кўрганларим мен мавжуд оламдан ташқарида бўлаётгандек эди. Менга жуда бегона бир олам. Боласидан воз кечиб кетишни мана шунақа спектакль ва китобларда кўрардим, ўқирдим. Кейин эса... Ҳаётда ҳам бунақа воқеалар бисёр экан, яъни мен яшаётган оламда ҳам шунақа воқеалар юз бераркан.

Бир неча кундан бери шу асарни ўқувчиларга тавсия қилиш ҳақида ўйладим. Адибимиз ҳаёт бўлганида бу йил саксон ёшни қаршилар эди. Шу муносабат билан яна унинг асарларидан бирини тавсия қилмоқчи эдим. Нега бу драмага тўхталганим сабабини сизга тушунтириб бераман.

...Аёллар сартарошхонасига кирсангиз, истанг-истаманг, уларнинг ўзаро суҳбатини эшитишга мажбурсиз. Соч қуритгичлар шовқинини ҳам босиб қизлар бир-бири билан гаплашадилар, улар миждо фақат соч бўлади, қулоқ бўлмайди, деб ўйласалар керак-да. Бурчакда соч турмакляётган қиз шундай деб қолди: «Тамом, энди у билан яшайман, жонимга тегди, текинхўрлиги...» Атрофда ўз иши билан банд қизлар чуғурлашиб уни маъқуладилар: «Тўғри қиласан, энди ақлинг кирибди, севаман деб, сендан фойдаланиб юради, барибир болангга оталик қилмайди» ва ҳоказолардан сўнг кимдир нега, деган савол берди. «Кеча тушлиқда ўғилчамга икки дона кабоб олиб бер-

дим. Менга қани, деб сўради. Бошқа пулим йўқ, деган эдим, «итваччангга топилди-ку, менга топилмайдими пул?» деса-я. Жон-поним чиқиб кетди. Мени боламни итвачча деди-я, яшшамагур...» Жим туролмасдан сўрадим: «Ўз отаси қаерда?» Жавоб оддий ва қисқа бўлди: «Ташлаб кетган».

Орадан вақт ўтганига қарамасдан ҳар гал шу суҳбатни эсласам, юрагим ачишиб кетади... Ёнимизда шундай митти инсонлар яшайпти, бола деманг, уларда ҳам қалб бор. Буни Ўткир Ҳошимов «Инсон садоқати» асарида рўйи рост кўрсатиб берган.

Келинг, парча ўқиймиз: «Оила эркинлиги, муҳаббат эркинлиги, шахс эркинлиги... Қандоқ ширин сўзлар! Эркақдир, аёлдир, аввал бир-бирига кўнгили қўяди, шоша-пиша бола кўришади. Кейин қарасаки, адашган экан. Эр ўз эркини ўйлаб бир томонга кетади, хотин ўз бахтини излаб бошқа томонга кетади. Қисмат чор-рахасида эса бегуноҳ гўдак чиркиллаб қолаверади. Аслида буям тўғри. Латта-путтани иккига бўлиш мумкин, қақир-қуқурни иккига бўлиш мумкин. Болани иккига бўлишининг иложи йўқ-да. (Киноя билан) Шунинг учун бу қалтис юмушни энг осон йўлини топишади. Болани ё етимхонага, ё бувисиникига ташлаб қочишади.

...Ўн бир яшар боланинг ўлик чиққан уйда бир ҳафтагача ёлғиз ўзи кечалари даҳшатдан кўрқиб тонг отиришини тасаввур қила оласизми?»

Дунёда оила эркинлиги, севги эркинлиги, хотин муҳаббати, эр муҳаббатидан ташқари ота меҳри, она меҳри, умуман, одамнинг одамга оқибати деган гаплар ҳам бор».

Адибнинг «Тушда кечган умрлар» асарини эшитгансиз, эҳтимол, ўқигандирсиз. Бу асар бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Хорижда

нашр этиладиган «Икарус» журнали ўз саҳифаларида бу романдан боблар эълон қилган. Ёзувчи бу ҳақда шундай деган эди: «У нимаси билан сизларга ёқади?» деб сўрадим. «Унда сиёсат йўқ, яъни бу – коммунист, бу – фашист, бу – қизил, бу – оқ, бу – дўст, бу – душман, деган гап йўқ. Бу асарда уруш, инсон, ўлим, деган учлик бор», деб жавоб қилишди ноширлар.

Дарҳақиқат, адиб асарларида умуминсоний ғоялар устувор. «Инсон садоқати» қарийб эллик йил муқаддам ёзилган. Бугунимиздан унчалик ҳам узоклашиб кетмаган асар.

Асар қахрамони Элёр 28 ёшли олим. Тадқиқотлар жараёнида эҳтиётсизлик оқибатида нурланиш олган. Ота-она меҳрига зор ўсган бир инсон.

Ўқиймиз: «Ўттиз дейсизми, онажон! Сиз мени бошқа одам билан адаштиряпсиз чоғи. Мен элликдан ошиб кетдим (она ҳайратланиб қарайди). Шунақа, онажон. Аллақайси донишманд айтган экан. Сочинг эрта оқариши нодонлик белгиси деб. Негаки, ақлли одам яшашни билади, тез қаримайди. Одамнинг ёши бир ерга бориб қолгандан кейин хотираси сусайиб қолааркан. Қаранг, сизни охирги марта қачон кўрганим ёдимда йўқ...»

...Шошманг, эсладим. Диссертация ёқлаётган куним, бир зум сизни кўриб қолдим. Келдингиз-у, кетдингиз. Худди сахар палласидаги ширин тушдай. Билсангиз, сизни яна бир марта кўриш учун яна минглаб одамлар билан баҳслашиб, юзлаб диссертация ёзишга тайёрман, онажон...»

Элёрни гўдақликдан ота-онаси бувисига ташлаб кетган. Иккови ҳам икки томонга кетди, иккисининг ҳам ўз оиласи бор. Бола уларга интиқ ўсди, ташландиқ эканлигини билса ҳам... Орадан йиллар ўтиб, навқирон ёшда ўлим билан олишаётган йигит туққанига шунчаки она демайди балки «онажон» деб мурожаат қилади.

Мана бу парчага эътибор беринг-а: «Ийғаманг, онажон. Сизнинг кўзёшингизни кўришга чидолмайман. Сиз йиғлаяпсиз. Билсангиз, мен ҳам йиғлаяпман. Аммо мен кўзёши тўқмасдан, овоз чиқармасдан йиғлашга ўрганиб қолганман. Охирги марта овоз чиқариб йиғлаганимга анча бўлди. Сизнинг тўйингиздан буён қанча йил ўтган бўлса. Бунгаям шунча бўлди. Эсингиздами, сиз ўзингиз билан маслакдош одамга турмушга чиққанингиздан кейин Самарқандга кетиб қолдингиз. Бир ойлар ўтиб қайтиб келдингиз. Ярим кунга. Сизни жудаям соғингандим. Йиғлагим келади-ю, негадир овозим чиқмади. Қайтиб кетаётганингизда бувим сизга нима дегани эсингизда борми? (Она йиғлашдан тўхтаб, унга тикилиб қолади). Бувим – яъни сизнинг онангиз айтдики, ўғлинг ичкики қоляпти. Ақалли бир ҳафтага бўлсаям олиб кет, ўйнаб қайтиб келар, деди. Ушанда сиз нима дедингиз эсингизда йўқ, тўғрими?»

...Эсингизда йўқ! Сиз «битта итвачча деб умримни хазон қилайми, катта бўлса, йўлини топиб кетаверади», дедингиз».

Асарни ўқиш оғир. Она-боланинг суҳбатини тинглаш оғир. Элёрнинг кечмишлари, онасига саволлари, отасига деганлари... Сўнги лаҳзаларда ҳам хатоларни тан олмаслик.

Ўқиймиз: «Э л ё р. Сиз менинг туғилишим олдида тошга бошқоронғи бўлмаганмисиз?»

О н а. Бу нима деганинг? Э л ё р. Бувим менинг бошимни силаб, ҳар доим бошинг тошдан бўлсин, дерди. Чиндан ҳам мен тош бўлдим. Сиз олиб отамга отасиз, отам олиб сизга. Отамга тегиб отамга озор бераман, ўзим озор чекаман. Сизга тегиб, сизга озор бераман. Ўзим озор чекаман...»

Бу асарда салбий қаҳрамон, ижобий қаҳрамон деб таништирилмайди. Асарда Элёр ва ота-онасидан ташқари

ри Фарида, Қосимжон, Лола, профессор образлари бор. Уларга ёзувчи баҳо бермайди. Қаҳрамонлар тили, суҳбатлар улар қиёфасини очади, уларни таний бошлайсиз.

Қуйидаги парча Элёрнинг онаси қиёфасига яна бир ҳаққоний чизгидир. Ўқиймиз: «Мен сизни айблаётганим йўқ. Мен шунчаки ўзим ўйлаган гапни айтдим. Ҳаётда биров беради, биров олади. Биров кўпроқ беради, биров кўпроқ олади. Интернетда ўқиб юрганимда, ҳаётга кўпроқ нарсани беришни ўргатишди. Бунинг учун хафа эмасман, онажон. Шунинг учун диссертация ёқлаганимдан кейин ишхонамга «Ўғлимнинг ойлиги ошибди, муштирапар онасига ёрдам бериб турса бўларди», деган маънода хат ёзганингизда ҳам қувондим.

...Сиз хат ёзмасангиз ҳам мен барибир шундоқ қилган бўлардим. Оқ сутингизни оқлаш деган нарсани эсимдан чиққан эмасди. Мен сизга ҳамма нарсани беришга тайёрман. Ҳаммасини».

Ҳа, ана шундай инсон ҳақида бу асар. Унинг айтишича «Инсоният орол эмас, қитъа бўлиб яшаши керак. Агар денгиз қитъанинг бир бўлагини ўпириб олса, нариги бўлагиям зил кетади. Негаки, бир бўлагидан жуда бўлганини билади. Бировнинг тўйи – бошқа бировнинг тўйи, бировнинг азаси – бошқа бировнинг ҳам азаси бўлади». Бу қараш адиб асарларида ўзининг гўзал ифодасини топган.

«Инсон садоқати»даги она «Дунёнинг ишлари»даги Онанинг соясида қолиб кетади. Аммо шундай оналар, оталар ҳам бор ҳаётда. Яна Умид отлиғ бир дарахт ҳам бор. Бу адиб орзулаган қитъа дарахти.

Хузурли, завқли, шавқли мутолаа тилайман.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»



АРМИЯ ВА ЁШЛАР

САРҲИСОБГА БОЙ



ФОРУМ

Қандай ишлар амалга оширилди? Натижада нималарга эришилди? Мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларингизни билдинг!

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг III форуми давомида бу каби аниқ саволларга батафсил жавоблар берилди. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари, бошланғич ташкилот етакчилари ва йўналиш сардорлари, Қуролли Кучлар тизимидаги кирувчи вазирлик ва қўмиталар вакиллари иштирок этган форумда маърузалар ҳам шунчаки ҳисобот учун эмас, балки амалий таклиф-мулоҳазаларга бой бўлди.

«Ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар» мавзусидаги форум видеомулоқот тарзида республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Ҳарбий округлардаги ёшлар масалалари юзасидан масъул офицерлар амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар юзасидан маъруза қилди. Ўз ўрнида иштирокчилар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоб беришди, таклиф ва мулоҳазалар инobatга олинди.



Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланиши форумнинг амалий аҳамиятини янада оширди. Ушбу меморандум ёшлар учун янги



имтиёз ва имкониятлар яратиб бериши билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Зеро, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини Ватанга садоқат ва юксак ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларни «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув курсларида меҳнат бозорининг талаби юқори бўлган техник касбларга ўқитиш орқали уларни касбга тайёрлаш, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш ҳамда контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг хизмат заруратидан келиб чиқиб автотранспорт воситаларини бошқариш бўйича малакасини ошириш, ўзаро ҳамкорликнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда пойтахт-мизнинг Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар ва сахна кўринишлари форумга байрамона тус берди. Тошкент шаҳри Яшнобод туманининг 176-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг «Фахрий қоровул» ва қўл жанги усуллари жамоалари ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этди. Қуролли Кучлар академияси ҳовлисидаги жанговар техникалар намоиши ва ҳарбий хизматчиларнинг чиқишлари эса форум иштирок-

чиларининг армия қудратига ишончини ошириб, фахр-ғурур туйғуларини янада юксалтирди.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишда ҳарбий хизматчидан ҳам жисмоний, ҳам руҳий тайёргарлик талаб этилади. Руҳий тайёргарлик бўлмаса, жисмоний тайёргарликдан натижа чиқмаслиги мумкин. Шундай экан, руҳий тайёргарлик учун масъул бўлган ҳарбий психологларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, касбга оид янги методикалардан бохабар этиш, фаолияти давомида катта тажриба тўплаган мутахассислар иштирокида мастер-классларнинг ташкиллаштирилиши юқори натижалар бериши табиий.

Ҳарбий психологларнинг малакаси оширилди

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида ҳарбий психологлар учун ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Унда жанговар тажрибаларга эга бўлган офицерлар, амалиётчи психологлар ҳамда Мудофаа вазирлиги масъуллари иштирок этди. Жанговар ҳолатлар фото-видеолар орқали намойиш этилди ва бундай жараёнларда ҳарбий психологлар томонидан эътибор қаратилиши керак бўлган вазиятларга тўхталди.



Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот



Муаллиф сурагга олган

асрида «ақл ва кўнгилнинг олтин ўрталиги»ни топиб, унда ҳаракат қилишга ундовчи касб эгалари бўлмиш психологларга қўйилган талаб катта. Айниқса у ҳарбий психолог бўлса, унга юкланадиган юклама бир неча баробар залворли бўлиши табиий. Зеро, Ватан сарҳадларини қўриқлаб, халқнинг тинчлигини сақлаб турган посбонларимиз руҳиятини кўтаришдек шарафли ишга бел боғлаган ҳарбий психологларнинг ҳам ўтказилаётган ўқув-услубий йиғиндан руҳияти кўтарилди. Ўзлари учун керакли тавсия ва кўникмаларни олишди.

Ҳарбий қисмларда психологларнинг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт ўтиб улгурмаган бўлса-да, улар томонидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматчилар, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари билан тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Қарор ва ижро

ИЛК БИТИРУВ МАРОСИМИ

Нукус шаҳридаги Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказида илк битирув маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги «Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан шу йилнинг апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти ва ҳудудий ҳарбий-маъмурий сектори томонидан Нукус шаҳридаги Транспорт коллежи негизида Шимоли-ғарбий



ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги назорати остида Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази ўз фаолиятини бошлаган эди.

Муассасада темир-бетон ишлари устаси, ғишт терувчи, электрогаз пайвандчи, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи-безакчи, сантехника ишлари

устаси, электромонтажчи, кўтарма кран бошқарувчисининг ёрдамчиси, қопловчи-плиткачи, пўлат ва темир-бетон конструкциялар монтажчиси, гипсокартон монтажчиси, кран машинисти каби 13 та мутахассислик бўйича таълим-тарбия берилади.

Маросимда 11 та таълим йўналиши бўйича 3 ойлик курсларни биринчи бўлиб тамомлаган 251 нафар фуқарога мутахассислиги бўйича халқаро даражадаги сертификат тантанали топширилди. Шунингдек, тиришқоқлиги, намунали хулқи, шахсий масъулияти учун бир гуруҳ ўқувчи ва ўқитувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Битирув маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Нуруллан Ерлеспесов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири Султанбай Сапаров, Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазири Юлдаш Алимов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда марказ шахсий таркиби иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар таълим бериш тизимининг барча талабларига жавоб берадиган мазкур марказда яратилган қулай шарт-шароитлар касб танлаш учун бел боғлаган фуқароларнинг малака ва тажриба орттиришида обрўли масканга айланишини ва бунинг натижасида аҳоли бандлигини сезиларли даражада юксалтиришга эришишимиз мумкинлигини алоҳида эътироф этишди.

Айтиш жоизки, марказда таҳсил олаётган фуқаролар учун қурилиш соҳаси йўналишлари бўйича зарур кўникмаларга эга бўлиши билан бир қаторда хорижий тиллар ҳамда бориши режалаштирилаётган давлатнинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари ва қонунчилиги бўйича дастлабки билимлар берилиб, касб-ҳунарга ўргатилади.

Тадбир сўнггида Нукус гарнизони ҳарбий оркестри томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ОТА КАСБИ

(воқеий ҳикоя)

Туғуруқхонани чақалоқ йиғиси тутди. Оламга жар солиб янги меҳмон дунёга келди.

– Ана, чақалоқ туғилди, – кўп қаватли туғуруқхона ҳовлисида «янги меҳмон» туғилишини кутиб турганлардан бири шошилиб ўрнидан кўзгалди.

– Қайси биримизники кўпайишди экан-а? – учинчи қават деразаси томон ҳаяжон ичида бўйнини чўзди онахонлардан бири.

– Худога шукр, ким бўлса ҳам ёруғликка чиқди. Ҳозир хабар беришади, – онахонга таскин берган кўйи эшик томон умидвор термилди ўрта ёшлардаги жувон.

– Овозининг жарангдорлигини қаранг, қизалоқ туғилганга ўхшайди.

– Ҳа-а, чиндан ҳам жарангдор, ўзгача жарангдор...

Мақсудовлар хонадонининг тўнғич фарзанди Гулхумор мана шундай дунёга келганди.

Машҳур шифокорлар сулоласининг авлоди ёш жарроҳ Искандар илк фарзандини қувонч ила қарши олди. Эрининг орзусини бажара олмаганидан хижолат чекиб турган рафиқаси Хушнурани унинг кўтаринки кайфиятини кўриб, кўнгли таскин топди. Негаки, чимилдикдан бошлаб Искандар бир сўзни кўп такрорларди:

– Хушнур, менга учта ўғил туғиб берсанг бўлгани. Қиз фарзандимиз бўлсин албатта, лекин ўғилларимиз жарроҳ бўлиб сулоламиз касбини, шарафини давом эттириши керак.

– Қизлар ҳам шифокор бўлиши мумкин-ку, – эътирозли оҳангда жавоб қайтарди Хушнур. – Аёллардан ҳам қанча таниқли шифокорлар бор. Орасида жарроҳлар ҳам йўқ эмас.

– Гап фақат касбда эмас, катта клиникаларни бошқаришда, – тўлқинланиб фикрини тушунтира кетди у. – Мана, мустақилликка эришдик, катта ишларга йўл очилди. Энди чет элларда бўлгани каби ўз клиникамизни қураемиз. Буларни бошқариш учун забардаст йигитлар керак...

Қизалоқнинг исмини Искандарнинг ўзи қўйди – Гулхумор. Қўйиб қўйгандек отасига ўхшаган қизалоқ уч ёшга етар-етмас синглиси Нуржило дунёга келди. Кейин эса Васлия. Ҳар гал хотини ҳомиладор бўлганда ўғил фарзанд туғилишини интиқ кутган Искандар, ичи зил кетса-да, қизларини мамнуният ила қабул қиларди. Эрининг руҳий ҳолатини ҳис қилиб турган Хушнур гуноҳкор инсондек унинг юзига тик қарай олмасди.

Энг қизиғи, замон ривожланиб хориждан келтирилган УЗИ аппаратлари боланинг жинсини аниқлашга қодир бир паллада, Искандар буни истамасди.

– Искандар ака, – учинчи ҳомиладорлигида эрига ялинди Хушнур, – боламиз беш ойдан кейин туғилади. Келинг, шуни ўғил-қизлигини

текширтирайлик. Ахир катта шифокорсиз, қўл остингизда ҳамма тиббий аппаратлар бор.

– Инсон боланинг тирноғини ҳам ясай олмайди, – хотинини тинчлантирди Искандар. – Шундай экан, ўғил туғилишини Худодан тилаймиз. Учта ўғил туғиб берсанг бўлгани, онаси, – кулиб қўйди у...

Тўртинчи ҳомиладорлик Хушнурда жуда қийин кечди. Ошқозонига ёғли овқат умуман ботмас, нима еса кўнгли айниб, ўша заҳоти ташларди. Энг ёмони, етти маҳалла наридаги таом ҳидидан кўнгли беҳузур бўлиб ўқчий бошларди. Мадорсизликдан юришга-да ҳоли йўқ жувон қувват бўлувчи уколлар билан жон асради. Боланинг туғилиши ҳам анчайин оғир ва шов-шувли кечди.

Искандарнинг умиди Умар шу тарика дунёга келди.

– Онаси, қара, ўғлим менинг ўзим, – қизларини чақалоқлигида қўлига олишга қўрққан Искандар ўғлини туғуруқхонадаёқ қафтларига олиб термилишдан чарчамасди. – У ҳадемай, мен қураётган клиникани бошқаради. Албатта, укалари билан.

Хушнур эрининг юзига ажабланиб қаради.

– Ҳа-а, нега ундай қарайсан, азизам? Менга яна иккита ўғил қарздорлигинини унутма.

– Аҳволимнинг абгорлигини қаранг, чиллаҳонада ҳам шундай ният қиласизми, дадаси?

– Ўғилларимиз учта бўлса ёмонми, бу яхши ният-ку...

Умарни ота-онандан ташқари уч опа ҳам севиб ардоқларди. Бўлажак клиника «рахбари»га отаси қай даражада жиддий муомала қилишга тиришмасин, урдасидан чиқа олмасди.

– Хушнур, ўғлимизга ука туғиб бермасанг бўлмайди, – Умар уч ёшга етгач, хотинидан яна бир ўғил кута бошлади Искандар. – Ўғлимиз жуфт бўлиши керак.

– Сизга қандай айтишни билмай тургандим, шундоғам мен ҳомиладорман. Орзуингизни амалга оширай деб...

– Йўғе-е, буни хушхабар деса бўлади, ҳақиқий хушхабар...

Етти ой ўтиб, туғуруқхонани чақалоқнинг яна бир жарангдор товуши эгаллади. Бу гал... бу гал Мақсудовлар хонадони қизлари тўрт нафарга етди. Иффора!

Искандар ўғли борлигидан кўнгли таскинда бўлса-да, орзуси кемтик каби дилининг қайсидир бурчагида армон юки босиб турарди. Муаллималик касбини эгаллаган Хушнур эса биринчи фарзандидан бошлаб, оила бекасига айланган, мактабдаги ишини унутганди. Беш ўғил-қизни оқ ювиб оқ тараш, соғлом улғайтириш, катта хонадонга келиб-кетувчи меҳмонларни кутиб олиш каби ишлардан бўшамасди. Бир сўз билан айтганда, эрига яна битта ўғил туғиб беришни хаёлига сиғдира олмасди у.

– Азизам, Умарни кийинтириб бер, ишхонага олиб бораман, – нонушта устида хотинига буюрди Искандар. – Беш ёшдан ошди. Ҳозирдан ота касбига, клиникага меҳр

қўйиб бориши керак. Кейин, ишим тез ривожланыпти, клиникани кенгайтиришга ҳаракат қиляпман. Қани энди яна битта ўғлимиз бўлганда.

– Биласиз, Гулхумор шифокор бўлмоқчи, ўқишлари аъло. Ўн тўртга тўляпти. Нуржилонинг хаёли ҳам дўхтирликда. Эрта келиб фақат ўғлимиз эмас, қизлар ҳам касбингизни эгаллайдиган кўринади.

– Аслида қизларга сенинг касбинг яхши: муаллималик. Шифокорлик машаққатли соҳа, айниқса, жарроҳлик. Майли, бу гапларни қўятур, ўғлимизни кийинтириб бер...

Хушнур ота-болани кузатиб қолар экан, севимли эрининг орзусини рўёбга айлантиришни ният қилди: «Жуфти ҳалоллига яна битта ўғил туғиб беради».

Икки йил ўтиб, Мақсудовлар хонадони фарзандлари олти нафарга етди. Кенжатоё Зафар оила қувончига ва албатта отанинг орзулари рўёбига айланди...

xxx

– Дадаси, суюнчи беринг, – эрига кўнгирак қилди Хушнур опа кўтаринки кайфиятда. – Гулхумор қизимиз энг юқори балл билан ТОШМИга қабул қилинибди.

– Зўр-ку, урдасидан чиқибди-да қизим, қойил...

Искандар ака аёлига жавоб қайтарар экан, қизлари билан бундан бир йил аввалги суҳбати хаёлидан ўтди:

– Дадажон, лицейни тамомлаб, тиббиёт олийгоҳига кирмоқчиман. Сиз каби юрак шифокори, жарроҳ бўламан.

– Қизим, биламан, шифокор бўлишга ёшлик чоғингдан қизиқасан. Аммо бу осон эмас. Айниқса, аёл киши учун. Туну кун беморлар ёнида бўлиш, дардини тинглаш... Юрак жарроҳлиги эса ўта нозик.

– Дада, мен бошқа соҳани тасаввур қила олмайман.

– Мен ҳам шифокор бўламан, – суҳбатга қўшилди Нуржило. – Сизнинг ёнингизда ишласак яхши-ку, дадажон.

– Мен эса архитектор-дизайнер бўлиб, сиз қурадиган янги клиника биноси қурилишига бош бўламан. Ўзим жиҳозлайман, – дадасига дона-дона қилиб орзусини етказди Васлия.

Искандар ака илк бора қизларининг улғайганини, ўзи каби қатъиятли, орзулари теран эканини ҳис қилди. Уларнинг суҳбатини четдан кузатиб турган ўн ёшли Умардан сўради:

– Ўғлим, сен зўр шифокор бўласан, шундайми?

– Йў-ў-ў, мен қондан кўрқаман...



Ўша дамда Искандар ака ўғлининг бу гапига кўпам парво қилмади. Ўғилларини албатта ота изидан боришига ишонарди у.

xxx

Гулхумор тиббиёт олийгоҳини қизил дипломга тамомлаб, отаси олдида иш бошлади. Ўта ҳаракатчан қиз ўқиши давомида дадаси ёнида фаолият юритиб, юрак жарроҳлигининг сир-асрорларини ўзлаштириб боргани боис, билимдон шифокор сифатида тез тилга тушди.

Нуржило тиббиёт олийгоҳининг аълочи талабаси бўлса, Васлия архитектура йўналишига ўқишга кирди. Фарзандлари бирин-кетин орзуларига етишаётган бир паллада отасининг умиди бўлган Умар дадасига мақсадини етказди:

– Дада, ёрдамингиз керак.

– Қандай ёрдам, ўғлим? – тўққизинчи синфни битираётган ўғлидан сўради Искандар ака.

– Мен раққос бўлмоқчиман. Таниқли раққосга шогирд тушмоқчиман.

– Раққос... Қанақасига, қандай раққос... – ўғлининг орзусини ҳазм қила олмасди Искандар ака. – Менинг ўғлим раққос бўлмоқчи!?

– Ҳа, кўпдан буён айтолмай юргандим. Нега энди опаларим сизнинг қаршилигингизга қарамай орзуларига эришади-ю, мен эришмас эканман. Биламан, онам ҳам қарши бўлади.

– Ўғлим, ўйлаб гапиряпсанми? Бизнинг етти авлодимизда санъаткорлар бўлмаган, раққосни-ку гапирмас ҳам бўлади.

– Қарши бўлишингизни билганим учун, шаҳардаги болалар раққ тўғарагига икки йилдан буён сизларга айтмай қатнашиб келаман. Мени бу йўлдан қайтараман деб овора бўлманглар...

Искандар ака ўғлини биринчи бор қўриб тургандек, унга термилган кўйи қотганча қолди.

Ўғиллар, насихатлар, танбеҳлар... Ҳеч бири Умарнинг орзусига тўғаноқ бўла олмади. Қизиғи, кенжа қизи Иффора ҳам ота касбига меҳр қўйган бир паллада, иккинчи ўғли Зафар доирачилик санъатини маҳкам тутди. Бу синоатнинг тагига машҳур шифокор ҳарчанд ҳаракат қилмасин ета олмади.

Искандар ака айни фурсатда орзулари рўёбини қизларида кўриб турар, улар шифокор куёвлари билан унинг улуғ мақсадини давом эттиришларини ҳис қиларди...



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

«ТОКИО – 2020» 11 ТА МЕДАЛЬ УЧУН КУРАШАМИЗ

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан сўнг дзюдочиларнинг «Токио – 2020» Олимпиадаси йўлида тўплаган очколарини қайта ҳисоблаб чиқиб, якуний рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга мувофиқ таркиби асосан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари иборат Ўзбекистон терма жамоаси дзюдочилари 10 та вазн тоифаси бўйича XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари медаллари учун кураш олиб борадиган бўлди. Шунингдек, тарихда илк бор дзюдочиларимиз Олимпия ўйинларининг аралаш жамоавий йўналиш бўйича баҳсларида қатнашади.

Жаҳон дзюдочилари, биринчи навбатда, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси – Олимпия ўйинларида қатнашишга интилишади ва бунинг учун Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтинг жадвалидаги очколарини мунтазам равишда бойитиб боришга ҳаракат қилишади. Йўлланмага эга бўлиш учун дзюдочи навбатдаги Олимпия ўйинлари олдидан эълон қилинадиган IJFнинг якуний рейтинг жадвалида камда 22-ўринни эгаллаган бўлиши шарт. Агар рейтингда 22-ўрингача погонани эгаллаб турганлар орасида бир мамлакатдан икки ёки уч нафардан ортиқ дзюдочи бўлса, улардан фақат бирига Олимпия лицензияси берилиши эвазига рейтингдаги 23 ва 24-ўрин соҳибларида ҳам имконият пайдо бўлади.

2021 йилги мавсумнинг илк халқаро мусобақаси олдидан Илиас Илиадис мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари IJF рейтингда деярли барча вазн тоифаси бўйича Олимпия йўлланмасини қўлга киритиш мумкин бўлган поғоналарни эгаллаб турган эди. Хусусан, мамлакатимиз миқёсида 2020 йилнинг «Энг яхши спортчи»си деб топилган Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили Давлатбек Бобонов Қатардаги «Мастерс» турнири олдидан IJF Олимпия рейтингда 90 кг вазн тоифасида 2689 очко билан 18-ўринда қайд этилган. Боз устига дзюдочимиз вазн тоифасида тўртта давлатдан икки нафардан вакил 18-поғонагача ўринларда эканлигини инobatга олган ҳолда уларнинг бормайдиганлари ҳисобига Бобоновни рейтингда 14-ўрингача кўтариш мумкин бўларди. Бу йилги мавсумнинг илк халқаро мусобақаси – Қатардаги «Мастерс» турнири Давлатбек учун бироз омадсиз якунланди. Чорак финалгача муваффақиятли беллашган MVSM аъзоси бронза медаль йўлидаги ўтиш баҳсида германиялик Эдуард Триппелга қарши татамига чиқди ва мағлубиятга учради. Бу билан Бобонов «Мастерс»да 7-ўринни эгаллади ва ўз ҳисобига 468 рейтинг очкосини қўшиб қўйди. Энг оғир (+100 кг) вазн тоифасидаги дзюдочимиз Бекмурод Олтибоев (MVSM) эса илк беллашувдаёқ грузиялик Левани Матиашвили тўсиғидан ўта олмади ва ўз ҳисобига 200 очко қўшиб қўйиш билан кифояланди. Шунингдек, дзюдочиларимиз Диёрбек Ўрозбоев (-60 кг), Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг), Сардор Нуриллаев (-66 кг), Диёра Келдиёрова (-52 кг) учун ҳам «Доҳа Мастерс» турнири омадсиз якунланди. Ҳамюртларимиздан фақат Ҳикматиллоҳ Тўраев совриндорлар сафидан жой олди. -73 кг вазн тоифасида беллашган вакилимиз якунда «Доҳа Мастерс»нинг бронза медалини қўлга киритди.

Ҳа, 2021 йилги мавсум дзюдочиларимиз учун омадсиз бошланди. Бироқ кейинги мусобақаларда полвонларимиз дунё дзюдо мутахассислари диққат-эътиборида бўлди. Жумладан, асосий негизи MVSM вакиллари иборат бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари баҳорнинг илк кунлари юртимизда биринчи марта ташкил этилган дзюдо бўйича «Катта Дубулға» халқаро турнирида 6 та совринга эгалик қилишди. Март ойининг сўнги кунлари Тбилиси шаҳрида ташкил этилган ана шундай «Катта Дубулға» турнирида дзюдочиларимиз Тошкентдаги муваффақиятларини такрорлашди. Бишкек шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Осиё-Океания чемпионатининг яққалик баҳсларида эса полвонларимиз 3 та олтин, 2 та кумуш, 5 та

бронза, жами 10 та медални қўлга киритишди ва Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 29 давлат орасида 2-ўринни эгаллади. Жамоавий беллашувлар якунида ҳам терма жамоамиз совриндор бўлди. Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда MVSM вакили Диёра Келдиёрова олтин медални қўлга киритди ва «Катта Дубулға» турнирларида ғолибликка эришган биринчи аёл дзюдочи сифатида юртимиз спорти тарихидан жой олди. Дзюдочиларимиз халқаро турнирларда ҳам ана шу тарзда қатнашди, аксарияти совриндор бўлди ва ўз рейтинг очколарини бойитди. Хусусан, MVSM вакили Давлат Бобонов рейтингда 5-поғонагача кўтарилган бўлса, Шарофиддин Болтабоев еттинчи, Шарофиддин Лутфуллаев 8-поғонадан жой олди.

Венгрия пойтахтида ўтказилган жаҳон чемпионатидан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси томонидан дзюдочиларнинг «Токио – 2020» Олимпиадаси йўлидаги рейтинг очколари яна бир бор ҳисоблаб чиқилиб, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига йўл оладиган лицензиантлар номи расман эълон қилинди. Аввалдан қуттилганидек, IJF Олимпия рейтинг бўйича 9 нафар дзюдочимиз «Токио – 2020» Олимпия ўйинлари лицензиясини қўлга киритди, Фарангиз Ҳожиёвага эса қитъавий квота тақдим этилди. Бу ўзбек дзюдоси тарихида яна бир янги саҳифадир. Чунки аввалги Олимпия ўйинларида камроқ дзюдочимиз иштирок этган, хусусан «Пекин – 2008» ва «Рио – 2016» Олимпия ўйинларида 8 нафардан вакилимиз қатнашган. «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида эса 10 нафар (7 нафар эркек, 3 нафар аёл) дзюдочимиз қатнашади. Яна бир муҳим жиҳат, дзюдо ватанида ўтадиган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси жамоавий микст баҳсларида юртимиз терма жамоаси ҳам иштирок этади. Халқаро дзюдо федерацияси 130 давлат орасидан фақат 12 тасига ушбу имкониятни тақдим қилди ва Ўзбекистон терма жамоаси тарихида илк бор бу баҳсларда қатнашадиган бўлди. Жаҳон чемпионатининг аралаш жамоавий йўналишида шоҳсупага кўтарилганимиз инobatга олган ҳолда XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам дзюдочиларимиздан муваффақият кутамиз.

«Токио – 2020» Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган дзюдочиларимиз:

- 60 кг: Шарофиддин Лутфуллаев (IJF рейтингда 8-ўрин) ёки Диёрбек Ўрозбоев (27, MVSM)
- 66 кг: Сардор Нуриллаев (10, MVSM)
- 73 кг: Ҳикматиллоҳ Тўраев (10, MVSM)
- 81 кг: Шарофиддин Болтабоев (7)
- 90 кг: Давлат Бобонов (5, MVSM)
- 100 кг: Муҳаммадкарим Хуррамов (14, MVSM)
- +100 кг: Бекмурод Олтибоев (21)
- 52 кг: Диёра Келдиёрова (12, MVSM)
- 63 кг: Фарангиз Ҳожиёва (64, қитъавий квота)
- 70 кг: Гулноза Матниязова (23, MVSM)

Изоҳ: -60 кг вазн тоифасида қайси спортчимиз «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида иштирок этиши федерация ва мураббийлар штабининг қароридан сўнг аниқ бўлади.

Дзюдочиларимиз «Токио – 2020» Олимпия ўйинларига тайёргарликни бошлади. Дастлабки ўқув-машғулот йиғинларини Туркия ҳамда Словакияда ўтказган Ўзбекистон эркеклар ва аёллар терма жамоалари шу кунлари Хорватияда бўлиб турибди. Ушбу иккинчи йиғин 7 июлга қадар давом этади. Олимпиадага сўнги тайёргарлик эса 11-19 июль кунлари бевосита Япониянинг Майдзуру шаҳрида ўтказилади.

ШОҲСУПА

(хабарлар)

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Надежда Дўсанова Олма-ота шаҳрида ўтказилган Қозоғистон кубоги баҳсларида 1.92 метр баландликдан ошиб тушиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳамюртимиз Жавоҳир Нориев эса мусобақанинг узунликка сакраш баҳсларида 7.81 метр натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ



Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги босқич баҳслари бўлиб ўтди. Ҳамюртимиз Оксана Чусовитина ижросида таяниб сакраш йўналишида амалга оширилган машқлар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди (14.066 балл) ва афсонавий спортчимиз олтин медалга сазовор бўлди.

ЭРКИН КУРАШ



Россиянинг Каспийск шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро турнирда 2 нафар вакилимиз мусобақа ғолиблигига эришди. Жавраил Шапиев (-86 кг) олтин медаль учун кечган курашда доғистонлик Магомедшариф Биякаевдан устун келди. Магомед Ибрагимов (-97 кг) эса финалда «Рио – 2016» Олимпия ўйинлари ғолиби, 3 карра жаҳон чемпиони россиялик Абдулрашид Саъдуллаевга қарши беллашиши керак эди. Бироқ россиялик курашчи гиламга чиқмади ва ғалаба ҳамюртимизга берилди.

ОТ СПОРТИ



Москва шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича Евроосиё лигасининг Гран-при жаҳон кубоги саралаш босқичи ўтказилди. Мусобақанинг 140-160 см баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш баҳсларида чавандозларимиз ғолиб чиқди – Умид Комилов олтин, Нуржон Туёқбоев кумуш, Оқил Собиржонов эса бронза медални қўлга киритди. 100 см баландликдаги баҳсларда ҳамюртимиз Бобуржон Валижонов, «CSIYH-1» йўналишида (ёш отлар) Нуржон Туёқбоев кумуш медалга сазовор бўлди.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС



Биринчи ярим енгил (-55,2 кг) вазн тоифасида жаҳон чемпионлик камарлари эгаси ҳамюртимиз Муроджон Аҳмадалиев пойтахтимизда ўтган бокс оқшомида «WBA Super» ва «IBF» камарларини япониялик Рёсукэ Ивасадан муносиб Ҳимоя қилган эди. У ўзининг навбатдаги жангини 28 август куни Калифорниядаги «Dignity Health Park» ёки Лос-Анжелесдаги «Staples Center» ареналарнинг бирида «IBF» йўналишида мажбурий даъвогар Ронни Риосга қарши ўтказадиган бўлди.

ФУТЗАЛ



Сентябрь ойида Литвада ўтадиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ва Венесуэла терма жамоалари ўзаро куч синашди. «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кечган баҳсда кучлар тенг келди – 3:3. Иккинчи учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

ИСЛОХОТ

2021 йил 1 июлдан

ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА РЎЙ БЕРАДИГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР

➤ Ўзбекистонда минимал пенсия ва нафақалар миқдори оширилади.¹

➤ Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга ошириш, патентлар, дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатга олиш, жамоат транспорти ҳаракати, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқа умумфойдаланишдаги статистик маълумотлар онлайн режимда жойлаштириб борилиши таъминланади.²

➤ Вазирлик, идора, корхона, ташкилот, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ходимларнинг антропометрик кўрсаткичларини (семизлик даражаси, вазн индекси), бошқа ўткир касалликларни кескин камайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, рейтинг асосида таҳлил қилиш ҳамда натижаларни онлайн кузатиб бориш тизими жорий этилади.³

➤ Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида ўрта тиббиёт мутахассисларига «ҳамширалик иши» билан мустақил шуғулланиш учун ўзини ўзи банд қилиш асосида фаолият юритишга рухсат берилди.⁴

➤ Солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритишда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда амалга

оширишга ўтилади. Бунда солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бериладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш бекор қилинади.⁵

➤ Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилади.⁶

➤ Давлат органларида таълим ташкилотлари ўқитувчиларини шартнома асосида жалб қилиб, ҳафтада камида бир маротаба ходимларни хорижий тилга ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади.⁷

➤ Беморларнинг гематология ва онкологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари қоплаб берилди.⁸

➤ Бюджет маблағларини тақсимлашда туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилади. Шунингдек, ушбу жараён натижалари веб-сайтларда эълон қилиб борилади.⁹

➤ Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мавжуд қувватига қараб 50 нафаргача болани тарбиялашга ҳамда тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб 4 нафаргача тарбиячи ва ёрдамчиларни ёллашга рухсат берилди;

➤ оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ёлланган (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – 2 нафаргача, бошқа ҳудудларда – 4 нафаргача) тарбиячи ва ёрдамчиларга тегишли тоифа бўйича қисқа муддатли ёки 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида ва ҳажмларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўланади;

➤ оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудий мактабгача таълим бошқармалари орқали ўқув материаллари билан бепул таъминланади.¹⁰

➤ 2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларидан жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдоридан қўлланилади.¹¹

Тахририят

Ҳуқуқий асос:

1. Президентимизнинг 2021 йил 4 июндаги «Аҳоли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.
2. Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
3. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.
4. Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони.
5. Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.
6. Президентимизнинг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларнинг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги фармони.
7. Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
8. Президентимизнинг 2021 йил 27 майдаги «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
9. Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарори.
10. Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги «Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.
11. Президентимизнинг 2021 йил 14 июндаги «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармок озука базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

Сайлов – 2021

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА САЙЛОВ
ЎТКАЗИШ ТАРТИБЛАРИ

Юртимизда сайлов қонунчилиги бошқа соҳалар каби жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда изчил равишда такомиллашиб бормоқда. Бунда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар дастурил-амал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 10-моддасига мувофиқ, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округларга киради. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олти нафар кун

қолганида, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади. Ҳарбий қисмларда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида етти кун қолганида тузилади.

Кодекснинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

2021 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 25-моддаси учинчи қисмига участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно деган янги норма киритилди.

Ушбу киритилган янгиларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, сайлов участкаси ташкил қилинган ташкилот ходимлари меҳнат фаолияти чекланишининг олдини олади, иккинчидан, участка сайлов комиссиясида қабул қилинадиган қарорларини коллегиялик асосда холис қабул қилинишини таъминлайди, учинчидан, участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сайлов кодексининг 27-моддасига мувофиқ, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Сайлов кодексининг 33-моддасининг иккинчи қисмига киритилган янгилардан бири сифатида сиёсий партиядан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан ўз қузатувчилари сайлов комиссияларига ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши кераклиги белгиланди.

Сайлов кодексининг 44-моддасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари раҳбарларининг, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг, диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайлов олди ташвиқотини олиб бориши тақиқланди. Мазкур қоида сайлов олди ташвиқотининг тенг имкониятлар ва шаффофлик асосида ўтказилишига, сиёсий партияларнинг ўз имкониятларидан тенг фойдаланишларига замин яратди.

Сайлов кодексининг 51-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш туғанлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

Ш. АБДУРАҲМОНОВ,
Пахтабод тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЭРОННИНГ ҲАРБИЙ ҲАВО ВА АЭРОКОСМИК КУЧЛАРИ

Эрон Исломи Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан иккита мустақил тузилмавий бўғин – Армия ва Исломи инқилоби қўриқчилари корпуси (ИИҚК) жой олган. Қуролли Кучларнинг асосий турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий ҳаво кучлари (ХҲК) ташкилий жиҳатдан Армия таркибига, Аэрокосмик кучлар (АКК) эса ИИҚК таркибига киради.



марказлари жой олган. Жанговар таркибда 6 та қўмондонлик – ракета, ХҲК, ҳаво ҳужумидан мудофаа (ХҲМ), ўқув, алоқа ва фронт орти қўмондонликлари бор. Жумладан, ракета қўмондонлиги 6 та ракета бригадасига, ХҲК қўмондонлиги 6 та авиация базаси, 8 та авиагурӯҳ, алоҳида транспорт авиацияси эскадрильяси, алоқа ва бошқарув авиаотрядига, ХҲМ қўмондонлиги эса ХҲМ бригадаси, 13 та ХҲМ гуруҳи ҳамда таъмирлаш базасига эга.

қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан узвий ҳамкорликда олиб борилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Аэрокосмик кучларга 60 та «Кайам» типидagi (отиш масофаси 700 км.гача), 16 та модернизицияланган «Гадр-1Н» типидagi УММБР (2000 км.гача), 10 га яқин «Фотиҳ-110» типидagi (350 км.гача) ва 15 га яқин «Холиж-е Фарс» типидagi (350 км.гача) ОТР етказиб берилган.

Жанговар навбатчиликка қўйилган «Гадр» русумли уфқ орти радиолокация станцияси (РЛС) ҳаво нишонларини, шу жумладан, кам сезилувчанлик технологияси асосида тайёрланган самолётлар, вертолётлар, учувчисиз учиш аппаратлари, баллистик ва қанотли ракеталарнинг каллак қисмларини, шунингдек, паст орбитал йўлдошларни аниқлаш учун мўлжалланган. РЛС 300 км.гача баландликдаги ва 1100 км.гача узоқликдаги нишонларни аниқлашга қодир. «Гадр»ни бошқариш учун алоҳида радиолокация пости тузилган.

Эроннинг Армия ХҲК маъмурий-саноат, ҳарбий ва бошқа муҳим объектларни ҳаводан бериладиган зарбалардан ҳимоялаш, душманнинг қўшин гуруҳлари ва фронт орти объектларини яқсон қилиш, шунингдек, Армия ҳамда ИИҚКнинг қуруқликдаги қўшинларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган.

ХҲК ташкилий жиҳатдан марказий ва периферик (чекка) бошқарув органлари, жанговар қўшилма ва қисмлар, жанговар, махсус ва фронт орти таъминоти бўлинмалари, ҳарбий ўқув юртлари ва ўқув марказларидан иборат. Бу турдаги қўшинлар жанговар таркиби асосини қирувчи, қирувчи-бомбардимончи, разведка ва ёрдамчи авиация, шунингдек, радиотехник қўшинлар ва фронт орти таъминоти қўшинлари ташкил этади.

Душман ҳаракатларининг эҳтимолий характерини ҳисобга олган ҳолда Эрон Армияси ХҲК тўртта оператив зонага тақсимланган: «Шимолий» (штаб Теҳронда жойлашган) – 11 та жанговар авиация эскадрильяси ва 90-95 та самолётга эга; «Марказ» (Исфаҳон) – 7 та жанговар авиация эскадрильяси, 100-110 та самолёт; «Жануб» (Широз) – 10 та жанговар

авиация эскадрильяси, 50-55 та самолёт; «Шарқ» (Керман) – 4 та жанговар авиация эскадрильяси, 20-25 та самолёт.

Армия ХҲК тасарруфида 260 дан ортиқ жанговар авиация самолётлари (шу жумладан Су-24МК, F-4E «Фантом-2», F-4D, МиГ-29, F-1 «Мираж», Эроннинг ўзида ишлаб чиқарилган «Саеге» ва бир қатор бошқа типдаги қирувчи, бомбардимончи, қирувчи-бомбардимончи самолётлар); 110 дан зиёд ёрдамчи авиация самолёти (шу жумладан, турли типдаги разведка, транспорт, ёқилғи қуювчи, алоқа ва ўқув самолётлари); 50 га яқин жанговар вертолёт (АВ-205, УН-1 «Ирокез», «Алуэт-2» ва бошқа типдаги) бор.

ИИҚКнинг Аэрокосмик кучлари зиммасига ўрта масофаларга мўлжалланган баллистик ҳамда оператив-тактик ракеталар билан душманнинг 2000 км.гача бўлган узоқликдаги объектларига зарбалар бериш, унинг самолёт ва вертолётларига қарши кураш олиб бориш, қарши томоннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа куч ва воситаларини бостириш, зирҳланган нишонларга қарши курашиш, энг муҳим ҳарбий ва иқтисодий объектларига зарбалар бериш, ҳаво разведкаси ва нишонларни аниқлаш ишларини амалга ошириш, ҳаво десанти ва ҳарбий юкларни тегишли ҳудудларга етказиш ва бошқа вазифалар юкланган. АКК асосини ракета бригадалари ташкил этади. Тузилмавий жиҳатдан бу турдаги кучлар таркибидан бошқарув органлари, жанговар қўшилма ва қисмлар, жанговар, махсус ва фронт орти таъминоти бўлинмалари ва ўқув

порт авиацияси эскадрильяси, алоқа ва бошқарув авиаотрядига, ХҲМ қўмондонлиги эса ХҲМ бригадаси, 13 та ХҲМ гуруҳи ҳамда таъмирлаш базасига эга.

ИИҚК Аэрокосмик кучлари шахсий таркибининг умумий сони деярли 15 минг кишини ташкил этади. Қўшин тасарруфида 170 дан ортиқ «Шахаб-3», «Гадр F,H», «Сежил-1,-2» ва бошқа типдаги ўрта масофаларга мўлжалланган баллистик ракеталар (УММБР)ни ишга тушириш қурилмаси, 75 та «Шахаб-1,-2», «Холиж-е Фарс» ва «Фотиҳ-110» типидagi оператив-тактик ракеталар (ОТР)ни ишга тушириш қурилмаси, 50 га яқин жанговар авиация самолёти, 150 га яқин алоқа ва бошқарув самолёти, 80 га яқин турли типдаги вертолёт, 10 та транспорт самолёти, 20 га яқин ўқув-жанговар самолёт, турли русумдаги ўрта ва кичик масофаларга мўлжалланган 32 та зенит-ракета комплекси, ЗУ 23-2, ЗСУ 23-4, ЗУ «Эрликон» ва «Бофорс» типидagi зенит артиллерияси тўплари ва бошқа қуроллар бор.

ИИҚК қўмондонлиги таркибдаги қўшилма ва қисмларни қурол ва жанговар техниканинг замонавий турлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу йўналишдаги ишлар Эрон Қуролли Кучларининг Мудофаа ва



Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

КУЧЛИ ТОРНАДО ОҚИБАТИДА



Чехия жануби-шарқиди, Словакия ва Австрия билан чегаралар яқинида юзага келган кучли торнадо оқибатида бир қанча аҳоли пунктларига жиддий зарар етган. Тезлиги соатига 267-322 км.гача етган кучли шомол Годонин шаҳрининг бир қисми ва унинг атрофидаги бир қанча қишлоқларни вайрон қилган. Маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида бир неча киши ҳалок бўлган, камида 200 киши жароҳатланган. Табиий офат рўй берган ҳудудларда фавқулодда ҳолат режими жорий этилган.

САНКЦИЯЛАР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ



Европа Иттифоқи саммити Россияга қарши иқтисодий санкциялар муддатини узайтиришга қарор қилди. Бу ҳақда Европа кенгаши раиси Шарл Мишель маълум қилган. Саммит давомида қабул қилинган резолюцияда айтилишича, Европа кенгаши «Россия раҳбариятидан янада конструктив иштирок, улкан сиёсий ирода ва ЕИга аъзо мамлакатлар ҳамда учинчи мамлакатларга қарши ҳаракатларни тўхтатишини кутади. Москва Минск келишуви тўлиқ таъминланиши учун ўзига боғлиқ барча ишларни бажариши керак».

АВТОБУС БЕКАТИДАГИ ТОПИЛМА



Англиянинг Кент графлигидаги автобус бекатларидан бирида ўткинчи одам томонидан Британия Мудофаа вазирлигига тегишли махфий ҳужжатлар топилган. Ҳужжатларнинг бир қисми июнда Қрим яқинидан сузиб ўтиб, Россия ҳарбийлари томонидан қатъий жавоб чоралари кўрилишига сабаб бўлган Defender эсминеци ҳақида бўлган. 50 саҳифадан иборат пачкани топган шахс гап махфий ахборот ҳақида бораётганини англагач, ВВС телеканалига мурожаат қилган.

ЖАҲОНДА

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЁШЛАР ФОРУМИ

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Мамлакатимизда 30 июнь санаси «Ёшлар куни» сифатида кенг нишонланади. Сана доирасида «Ёшлар ойлиги» тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Мазкур ойлик доирасида ташкил этилган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларининг III форуми ҳам мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги Чегара қўшинлари ҳарбий қисмларида фаолият олиб бораётган Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларини бир ерга жамлади.



Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур форумнинг очилиш маросимида ДХХ Чегара қўшинлари масъул офицерлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари сўз олиб, бүгун ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, демократик, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар, яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар хусусида сўз юритдилар.

«Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби капитан Расулжон Шарипов суҳбат чоғида иштирокчиларга нима сабабдан ҳарбий соҳани танлагани, хизмат фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб берди.

Айтиш жоизки, форум кўпгина ёшларнинг ҳаётида ёрқин лаҳзалар билан ёдда қоладиган бўлди. Амир Темур номидаги Давлат хавфсизлик хизмати академияси 2-босқич курсанти Рафиқали Жабборов ҳам ана шундай ёшлардан бири. Форум доирасида Рафиқалининг «Сарҳадимиз қаҳрамонлари» номли шеърий тўплами тақдими ҳам ўтказилди.

Форум ўз ишини давом эттирар экан, уч кун давомида Чегара қўшинларидаги Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ёшларда ватанпарварлик, масъулият ва жавобгарлик хиссини янада кучайтириш борасида келгусида амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.



Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси, халқаро тоифадаги эксперт Жамила Шермухамедова ҳамда таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор муваффақиятларга эришган ёш тадбиркорлар Жаҳонгир Пўлатов ҳамда Дилдора Атажанова иштирокида ўтказилган семинар-тренинг ва мотивацион суҳбатлар давомида ҳам форум қатнашчилари билан ҳарбийлик имижини, ўз олдига тўғри мақсад қўйиш ва унга етиш йўлида ўқиб-изланишнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Форум доирасидаги ёрқин таассуротларга бой тадбирлардан яна бири бу, шубҳасиз, «Қўмондон ва ёшлар» учрашуви бўлди. Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони ҳамда қўмондонликнинг

бир қатор масъул офицерлари иштирок этган мазкур тадбирда бугун Чегара қўшинларида ёшларга оид давлат сиёсати ижроси юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Самимий мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида Чегара қўшинлари қўмондони ўғил-қизларнинг келгусидаги режалари, истаклари ва муаммолари билан қизиқди, ёшлар ҳам ҳарбий соҳага оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Ҳар бир ёш эътибордан четда қолмай, эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди.

Айниқса, Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мунаввар Эркинованинг таассуроти чексиз бўлди, у «Меҳрнинг ифори» номли шеърий тўпламини қўмондонга ҳадя этгач, қўмондон ҳам

уни Чегара қўшинларининг эсдалик рамзий белгиси билан тақдирлади.

Жанговар-хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ёш ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ҳам форумга таклиф этилиб, садоқатли, ватанпарвар фарзандларни вояга етказганлари учун миннатдорлик билдирилди. Шунингдек, мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш имконини берувчи имтиёзли тавсияномалар берилди.

Тадбир давомида «Энгилғор бошланғич ташкилот етакчиси» танловининг республика босқичи ҳам ўтказилиб, фаол ва ташаббускор етакчилар махсус диплом ҳамда қўл соатлари билан тақдирланган бўлса, бу йил Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари фестивалида иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритган ДХХ Чегара қўшинлари ансамбли хонандаларига эсдалик совғалар ҳамда навбатдаги ҳарбий унвонлар берилди.

Форум якунида иштирокчилар Иккинчи жаҳон уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимизнинг юксак ватанпарварлик намуналари билан танишиш, уларнинг жасорати, мардлигига матонатидан ибрат олиш мақсадида пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлдилар.

Капитан Фарида БОБОЖОНОВА, ДХХ Чегара қўшинлари матбуот хизмати

ЗАРАФШОН ДАРЁСИДА ҚУРИЛАДИ



Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари Зарафшон дарёсида «Яван» ва «Фондарьё» деб номланган иккита гидроэлектростанция қуриш мақсадида қўшма очиқ акционерлик жамияти тузишни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳага чет эллик эксперт ва маслаҳатчилар ҳам жалб этилади. Бу ҳақда МДҲга аъзо мамлакатлар Энергетика кенгаши сайтида маълум қилинган. Тахминларга кўра, ҳар икки томон учун фойдали бўлган лойиҳанинг умумий қиймати 522 миллион долларни ташкил этади.

ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁР



Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) матбуот котиби Владимир Зайнетдинов агар Тожикистон Афғонистон билан чегарадаги вазият юзасидан ёрдам сўраса, ташкилот унга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, «Тожикистонга КХШТ томонидан у сўраган барча зарурий ёрдам кўрсатилади. Бу сиёсий, ҳарбий ва ҳарбий-техник ёрдам бўлиши мумкин». Таъкидланишича, ҳозир КХШТда тожик-афғон чегарасини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли давлатлараро дастур тайёрлашга оид ишлар олиб борилмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ДРОНЛАР ЁРДАМИДА



Афғонистон шимолида АҚШ Қуролли Кучлари дронлар ёрдамида «Толибон» жангарилари жойлашган позицияларга зарба берган. Бу ҳақда Fox News телеканали Пентагон вакили берган маълумотга таяниб хабар қилган. Маълумотларга кўра, зарбалар натижасида Боғлон ва Қундуз вилоятларида кўплаб жангарилар йўқ қилинган. Қайд этилишича, мазкур операция АҚШ Президенти Жо Байден ва Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ўртасида бўлиб ўтган учрашувдан бир неча соат аввал ўтказилган.

МИНТАҚАДА

СПОРТ – СОҒЛИҚ ГАРОВИ

«ОМАДДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТГА БОҒЛИК»

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Дзюдо федерацияси билан ҳамкорликда ёшлар орасида дзюдо спортини оммалаштириш ва уни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Дзюдо бўйича Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири кубоги мусобақасининг ташкил этилганлиги ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Республикамизнинг бешта минтақасида ушбу мусобақанинг саралаш баҳслари бўлиб ўтди. Баҳслар Урганч, Қарши, Самарқанд, Наманган ва Тошкент шаҳри мезбонлигида ўтди. Саралаш босқичида қизлар -48, -52, -57, -63, -70, -78, +78 кг, ўғил болалар эса -60, -66, -73, -81, -90, -100 ва +100 кг вазн тоифасида беллашди.

– Бугунги саралаш босқичида 81 кг вазн тоифасида фахрли биринчи ўринни эгалладим. Лекин курашлар осон бўлмади. Рақибларим жуда кучли тайёргарлик кўриб келишган экан. 4 рақиб билан курашиб, ҳаммасини енгдим. Спортда сонияларнинг ўндан бир қисмида юзага келадиган имкониятлардан унумли фойдаланган спортчи ғалаба қозонади. Чунки бу имконият рақибда ҳам пайдо бўлади. Аммо ким биринчи бўлиб келган омаддан унумли фойдаланар экан, ғалабани ўша спортчи нақдлаштиради. Омад келганда фойдалана билиш, бу спортчининг маҳоратига боғлиқ. Мени 7 ёшимдан спорт мураббийи олдиға етаклаб келган отамга раҳмат айтмоқчиман, чунки менда кўп йиллик тажрибанинг пайдо бўлишида отамнинг ҳиссаси катта, – дейди Чирчиқ спорт мактаби тарбияланувчиси Элшод Умаралиев.

– Ўз вазн тоифамда биринчи ўринни қўлга киритдим. Менга жуда кўпчилик бир хил маз-



мундаги савол билан мурожаат қилади: «Қиз бола учун дзюдо керакми?» деб. Ҳа, керак албатта. Чунки дзюдо рақибнинг сиқувидан чиқиб кетишнинг уддасидан чиқа олишдек маҳорат талаб қиладиган спорт тури ҳисобланади. Бундай сиқувлардан чиқишни уддалаган инсон ҳаёт қийинчиликларига мардонавор бардош бериш кўникмаларини ўзида шакллантиради. Бу кўникма биз, аёллар учун жуда зарур, – дейди Чирчиқ шаҳри «Кимёгар» спорт мажмуаси тарбияланувчиси Чарос Сайфуллаева.

Саралаш босқичида 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритган дзюдочилар мудофаа вазири кубогининг республика финал босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди. Республика финал босқичи 8-11 июль кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган эди. Аммо юртимизда кечаётган коронавируснинг кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида номаълум муддатга қолдирилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари миқёсида «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» ҳамда «Энг яхши бошланғич ташкилот етакчиси хонаси» танловларининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Ҳарбий округда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш, танловга тайёргарлик жараёнларини ўрганиш ҳамда бошланғич ташкилотлари етакчиларига амалий ёрдам бериш мақсадида дастлаб ҳарбий округ масъул офицерлари томонидан назорат текшируви амалга оширилди.

Текширув давомида бошланғич ташкилот хоналарининг жиҳозланиши, ҳарбий қисм ёшларининг муаммо ва таклифлари раҳбариятга олиб чиқиладигани ҳамда улар бўйича ижобий қарорлар қабул қилинаётгани, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшларнинг иқтидори ва истеъдодини аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган қандай тадбирлар қўлланилаётгани, ёшлар ўртасидаги ташкил этилган спорт тўғрисидаги ишларнинг самарали фаолияти, бошланғич ташкилот фаолияти ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ёритилганлиги, ҳудуддаги ёшлар ва уюшмаган ёшлар билан олиб борилётган тадбирларнинг ҳисобот ҳужжатлари назоратдан ўтказилди.



ЭНГ ИЛҒОР ЕТАКЧИ МУТАХАССИСЛАР АНИҚЛАНДИ

Шундан сўнг барча иштирокчилар Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказига ташриф буюриб, танлов доирасида ўқув семинарида иштирок этди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг фаол аъзолари томонидан бошланғич ташкилот, етакчи ва сардорлар фаолияти тўғрисида машғулот ташкил этилди.

Танлов давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилот етакчилари уч шарт бўйича – тест саволларига жавоб бериш, етакчининг амалга оширган ишлари ва келгусидаги режалари, инновацион қарашлари бўйича тақдимоти ҳамда амалга оширган ишлари юзасидан видеоролик намойиши бўйича ўзаро беллашдилар.

Якуний натижалар ютуқ ва камчиликларни ҳам юзага чиқарди, албатта. Олти нафар етакчининг фаолияти ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона баҳолаб борилди. Якуний сарҳисобларга кўра, «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» танлови бўйича капитан Ботир Бекмуродов 1-ўринни, катта лейтенант Одилжон Ўрозалиев 2-ўринни ва майор Тимур Рўзимов 3-ўринни қўлга киритди.

Ғолибларга округ кўшинлари кўмондонлиги ва Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

САЙЁР ҚАБУЛ

Андижон ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан вилоят Бандлик бош бошқармаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги фармон ва қарорлари талаблари ижросини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд муаммоларини ўрганиш мақсадида, Андижон гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида оммавий сайёр қабул ташкил этилди.

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА



Қабулда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қийнаб келаётган турли масалалардаги муаммоли мурожаатлари тингланиб, айримлари жойида ҳал этилган бўлса, муддат талаб этиладиган 25 та мурожаат юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ҳарбий прокуратура томонидан алоҳида назоратга олинди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳарбий қисмда ташкил этилган Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди синфлари ҳамда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Адлия подполковниги Дилмурод ҲАМРОЕВ,
Андижон ҳарбий прокурори

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МЕҲР-САХОВАТ НАМУНАСИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ногиронлиги мавжуд фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар Олмазор туманида истиқомат қилувчи ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган 1944 йилда туғилган фуқаро Виктор Юрьевич Перевезник ҳамда шу туманда яшовчи

1947 йилда туғилган фуқаро Роза Разиковна Халикованинг ҳолидан хабар олиниб, уларга ногиронлар аравачаси берилди.

Шу билан бирга, ижтимоий аҳволи оғир бўлган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан ҳам хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар топширилди.

Бу каби тадбирлар Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан давом эттирилмоқда.

Адлия полковниги Отабек ХОЛБОЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори



Ёшлар ойлари

«БУЮК КЕЛАЖАКНИ ЁШЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ»

Хам маънан, ҳам жисмонан баркамол ёшлар – келажакимиз пойдевори. Айтиш жоизки, бугун ёшлар тарбияси йўлида барча соҳа вакилларининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлиб, эртанимиз эгалари иштирокида турли тадбирлар, мусобақа ва беллашувлар ўтказиб келинмоқда.

Сурхондарё вилояти Музработ тумани халқ таълими бўлими ва вилоятдаги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ҳамкорлигида ҳам эртанимиз эгаларини ҳар томонлама салоҳиятли, юртга садоқатли, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутадиган тадбирлар ташкил этилмоқда.

«Беш ташаббус – беш имконият» шиори остидаги мазкур тадбирлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Музработ туман кенгаши, Республика Маънавият-маърифат маркази туман бўлими ҳамда Сурхондарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида бўлиб ўтмоқда.

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган навбатдаги тадбир Музработ туман касб-ҳунар мактаби ўқувчилари, 15 дан ортиқ чегара олди маҳаллаларидаги уюшмаган ёшлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида «Буюк келажакни ёшларимиз билан бирга қураимиз» шиори остидаги мини-футбол мусобақаси бўлди.

Жами олтига жамоа иштирок этган мазкур мусобақа қизғин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтди. Айниқса, финал ўйинида муҳлислар ёдда қоларли голлар сериясига гувоҳ бўлдилар. Яқиний натижаларга кўра, Музработ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 21-умумтаълим мактаби жамоаси 3-ўрин соҳиби бўлди. 2-ўринга туман касб-ҳунар мактаби жамоаси эгалик қилган бўлса, сарҳадларимиз посбонларидан ташкил топган ҳарбийлар жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Жамшид НАЗАРОВ,
Музработ туман касб-ҳунар
мактаби директорининг ўринбосари

Реклама

Ҳурматли пойтахтликлар
ва шаҳар меҳмонлари!

“Lens
Optika”



Сизларга
мустаҳкам соғлиқ
тилаган ҳолда қуйидаги
хизматларни таклиф этади:

- ✓ офтальмолог кўригидан ўтиш;
- ✓ авторефрактометрда кўриш ўткирлигини текширтириб, мос кўзойнак танлаш;
- ✓ замонавий физиотерапия усуллари билан болалар ва ўсмирларда учрайдиган кўз касалликларини даволаш, шунингдек,
- ✓ компьютер диагностикаси;
- ✓ кўришнинг контакт коррекцияси;
- ✓ оптик линзалар;
- ✓ рецепт бўйича кўзойнак тайёрлаш;
- ✓ ультрафиолет нурларини қайтарувчи лазер антиблик антикомпьютер хамелеон ойналар;
- ✓ тренажёр, антифара, полароид, куёшдан ҳимояловчи кўзойнақлар.

Катталар ва болалар учун мўлжалланган
воситалар катта ассортиментда!



Манзил: Тошкент
шаҳри,
Юнусобод
тумани,
Универсам
бекати (Уч
қаҳрамонга
қараган
йўналиш).
Мўлжал: мактаб
бозори.
Телефон:
+998909595528

2 ИЮЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

МИЛЛИЙ ИФТИХОР РАМЗИ

Мамлакат номидан майдонга чиқадиган ҳар бир спортчи ва унинг мураббийлари давлатимиз рамзлари тавсифини тўлиқ билиши, миллий қадриятларимиз ва тарихимизни ўрганиши лозим. Спортчининг вазифаси мусобақада голиб чиқиш ва медаль олиш, ундан байроқ ёхуд гербда нима тасвирланганини, давлат мадҳиясини ёд билишни, миллий қадриятларимиз ҳақида етарли маълумотга эга бўлишни талаб қилиш тўғриси, деб қаровчилар ҳам топилади. Аммо биз қайси соҳада фаолият кўрсатмайлик, шу юртининг фарзанди эканмиз, Ватанимиз тарихини, давлатимиз рамзларини билиш — ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, биз каби тез-тез хориж сафарига чиқадиган спортчилар учун бу ўта муҳимдир.

Мен спортчи бўлганимдан жуда фахрланаман. Жаҳон ареналарида буюк ўтмишга эга ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ўзбек спортчиларининг обрў-эътибори жуда баланд. Ҳар бир ўтказётган жангимизда медаллар учун рингда беллашаётганимизда доимо қалбимизда турувчи гербимиз бизга ўзгача куч-қувват бағишлаб туради.

Спортчиларимизнинг юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, ҳар бир ғалабасини қувонч ёшлари билан



қарши олаётганини кўриб, болалигимдан спортга меҳр кўйдим. Устозим Баҳодир Эркаев кўл остида боксининг барча сир-асрорларини ўргандим.

Илк бор 2016 йили Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлдим ва қалбимни Ватанимиз шарафини жаҳон ареналарида юксакларга кўтаришдек ҳиссиёт чулғади. Ўша йили Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳридаги

жаҳон кубогида бронза медаль билан тақдирландим. 2017–2018 йилларда Қозоғистон, Россия ва Украинада ўтган халқаро турнирларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдим. 2018 йили Жакарта шаҳри (Индонезия)да бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинларида олтин медални кўлга киритиб, илк орзумни амалга оширдим. 2019 йили бир қатор халқаро турнирларда голиб бўлдим. Таиланднинг Бангкок шаҳрида Осиё чемпионатида айландим. Энг муҳими,

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида барча рақибларимни енгиб, чемпион деган номга мушарраф бўлдим.

Камтарона меҳнатларимизни юқори баҳолаган Президентимиз 2019 йил 27 сентябрда мени «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирлади.

Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича Осиё/Океания минтақалари учун Токио Олимпиадасига йўлланма берувчи турнирда голиб бўлиб, Олимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритдим. Энг катта орзум — Олимпия ўйинларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, бошимиз узра юксакларда ҳилпираётган байроғимиз ва руҳимизга ҳар бир сўзи сингиб кетган мадҳиямизни баралла янграташ.

**Лейтенант
Миразизбек МИРЗАХАЛИЛОВ,
Шарқий ҳарбий округ спорт
взводи гуруҳ командири**

Давлат герби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 616-XII сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар — кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва «Ўзбекистон» ёзуви — олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангида; чаноклардаги пахта — оқ рангида; лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар — оқ рангида тасвирланган.

БИР ЧИМДИМ

Сенинг хатоларингни
тузатмоқчи бўлган
инсон билан дўстлаш.
У сени саодат йўлига
бошлайди.

САИД ИБН ЖУБАЙР

БИЛАСИЗМИ?

Тахминан 19-20 километр баландликда атмосфера босими пасайиб кетади. Бу инсон танасидаги сув ва ҳужайралараро суюқликнинг қайнаб кетишига олиб келади. Ушбу баландликдаги босим остида бўлган махсус кабинадан ташқарида ўлим бир зумда содир бўлади.

Денгиз буғланиш сабабли ёғингарчиликдан олганидан кўп сув йўқотади, қуруқликда эса, аксинча. Сув бутун дунё бўйлаб доимий равишда айланиб юради, шунинг баробарида умумий микдор ўзгармайди.

Агар дунё океани суви Ер юзига тенг тақсимланса, 2,7 километрдан ошадиган қатлам пайдо бўлади. Ер юзидаги сувнинг атиги 2,5 фоизи тоза сув, қолгани шўр.

Атмосфера ва космос ўртасидаги чегара тахминан 100 километр баландликдаги Карман чизиғи бўйлаб ўтади. Ундан баландликда ҳаво парвозлари мутлақо имконсиздир.



ШУ СОННИНГ
ЭЛЕКТРОН
ШАКЛИ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Мард ўғлон»
ҳақида очерк

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Аҳроп Очилов

Навбатчи:

майор
Гулнора Ҳожимуродова

Саҳифаловчилар:

Бегали Эшонқулов
Нодирабегим Валиева
Дилноза Меликузиева

Мусахҳихлар:

Сайёра Мелиқўзиева
Зебо Сариева
Мастура Қурбонова

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримдик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти — «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-207.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 30 073 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114. Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123456

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.